БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 137 (884)

9 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯГА

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси Москвадан Прагага жўнаб кетди.

8 июль кундузи Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси Москвадан Прагага жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Н. С. Патоличев, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари О. И. Ивашченко, ВЦСПС раиси В. В. Гришин, СССРнинг Чехословакиядаги элчиси И. Т. Гришинлар бор.

Делегация Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ, дўстлик визити билан Чехословакияга жўнаб кетди.

Внуково аэродромида Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясини кузатиб қолиш учун Москва меҳнаткашларининг вакиллари тўпландилар. Аэродромга А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин, М. Г. Первухин, СССР министрлари, марказий бошқарма ва муассасаларнинг раҳбарлари, маршаллар, Совет Армияси генераллари ва офицерлари келдилар. Кузатувчилар орасида СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди. (ТАСС).

Меҳнаткашлар тўғрисида буюк ғамхўрлик

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашлар моддий ва маданий фаровонлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Партия XX съездидан кейинги қисқа вақт ичида иш кунини қисқартириш, пенсияларнинг миқдорини кўпайтириш, кам ҳақ тўланадиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш, ўқиш учун тўланадиган ҳақни бекор қилиш, хотинларга бериладиган ҳомиладорлик отпускасининг муддатини кўпайтириш, давлат заёмлари чиқаришни тўхтатиш тўғрисидаги ва бошқа соҳалардаги тадбирлар бунинг яқол исботидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг янги қарори меҳнаткашлар тўғрисида қилинаётган оталарча ғамхўрликнинг яна бир катта далилидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли индустриямизнинг тез суръатлар билан юксалиши ва бу соҳада қўлга киритилган буюк муваффақиятлар қишлоқ хўжалигимизни ҳозирги замоннинг кучли техникаси билан қуроллантириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларимиз далаларида (ўн беш от кучига айлантириб ҳисоблаганда) бир ярим миллиондан кўпроқ трактор, 380 мингга яқин комбайн, миллионлаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишламоқда.

«Ленининг кооператив плани асосида барпо қилинган колхоз тузуми — дейилади қарорда, — ўн миллионлаб деҳқонларнинг ишлаб чиқариш ва турмуш асосларини янги социалистик негизларда тўблан ўзгартирди, совет қишлоғидаги барча меҳнаткашларнинг бадавлат ва маданиятли бўлиб ҳаёт кечиришлари учун кенг йўл очиб берди. Колхозларнинг жамоат хўжалигини ривожлантириш тажрибалари колхоз тузумининг улуғ ҳаётий кучини, йирик социалистик қишлоқ хўжалиги капиталистик хўжаликка нисбатан ҳеч шубҳасиз устун турганлигини исботлаб бермоқда».

Эндиликда кўпгина колхозлар ҳар томонлама ривожланган, мустаҳкам хўжалик бўлиб қолдилар. Колхозларнинг пул даромадлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Колхозчиларнинг турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда. Буни республикамиз колхозлари мисолида яққол кўриш мумкин. 1953 йилда республика колхозларининг пул даромади 7,3 миллиард сўм бўлган бўлса, 1956 йилда 10,4 миллиард сўмга етди. Бу муваффақиятларга колхозчи деҳқонларнинг фидокорона ижодий меҳнати туфайли, давлат томонидан колхозларга тобора кўпроқ ёрдам берилаётганлиги туфайли эришилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарликни яхшилашга, совхозларни, МТСларни тажрибали раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлашга, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги моддий манфаатдорлигини оширишга доир катта тадбирларни белгилади ва амалга оширмоқда. Шунингдек қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва харид қилиш нархлари оширилганлиги, колхозларда, совхозларда планлаштириш тартиби ўзгартирилганлиги қишлоқ хўжалигининг янада тез юксалишини таъминламоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг тобора кўпайишига олиб келмоқда. Бизнинг мамлакатимиз галладан ҳеч қачон ўтган йилдагидек кўп ҳосил олмаган эди. Пахта, ғалла, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ортиб бормоқда. Ўтган йили республикамиз, шу жумладан областимиз пахтакорлари пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Областимиз пахтакорлари бу йил давлатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Чорвачилик юксалмоқда, унинг маҳсулдорлиги ошмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган катта ютуқларимиз 1958 йил 1 январдан бошлаб колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятини бекор қилиш имкониятини берди.

Совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнаткашлар тўғрисида қилаётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдордирлар. Корхоналарда, муассасаларда, колхоз, совхоз ва МТСларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда ишчилар, колхозчи-деҳқонлар, механизаторлар, хизматчилар сўзга чиқиб жонажон партияга, ҳукуматимизга миннатдорчиликларини изҳор қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари буюк ғамхўрликка жавобан янада фидокорона меҳнат қилишга, мамлакатда янада кўп пахта, сут, гўшт, картошка, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилмоқдалар.

Областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборайлик, деган чақиририга жавобан ўз устларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Аммо партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленумида охиригача фош қилинган Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган муваффақиятларни кўра олмадилар. Улар колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини бекор қилиш имкониятини берди.

Совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнаткашлар тўғрисида қилаётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдордирлар. Корхоналарда, муассасаларда, колхоз, совхоз ва МТСларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда ишчилар, колхозчи-деҳқонлар, механизаторлар, хизматчилар сўзга чиқиб жонажон партияга, ҳукуматимизга миннатдорчиликларини изҳор қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари буюк ғамхўрликка жавобан янада фидокорона меҳнат қилишга, мамлакатда янада кўп пахта, сут, гўшт, картошка, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилмоқдалар.

Областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборайлик, деган чақиририга жавобан ўз устларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Аммо партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленумида охиригача фош қилинган Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган муваффақиятларни кўра олмадилар. Улар колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини шу йилнинг охирида бекор қилиш учун реал имкониятлар борлигига тушуна олмадилар, партиянинг аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисида чиқарган қарорига қарши чиқдилар. Партия, бутун совет халқи партияга қарши бу блокни қоралади.

Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган қаҳрамон совет халқи ишонч билан олга, коммунизм сари бормоқда. Халқимизнинг коммунистик жамият барпо этишга бўлган буюк ишончи, иродаси партия XX съезди томонидан қўйилган коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини шараф билан бажариш имкониятини беради.

Ленинград меҳнаткашларининг кўп минг кишилик намойиши

ЛЕНИНГРАД, 7 июль. (ТАСС). Ленинграднинг 250 йиллиги муносабати билан Ленинградда ўтаётган юбилей тантаналари охирида шаҳар меҳнаткашларининг жуда катта намойиши бўлди. Бугун бутун шаҳар аҳолиси байрам тусида безатилган проспектларга, кўчаларга эрта саҳардаёқ чиққан эди. Совет Иттифоқи давлат ва партия арбобларининг кеча бу ерга келганлиги ленинградликларда алоҳида хурсандлик туғдирди.

Ҳамма жойда байрам ва гижгиж одамлар, қўшиқлар ва музика янграмоқда. Эрталаб соат ўнда тарихий Сарой майдонида ленинградликларнинг тантанали юриши бошланди. Намойишчилар орасида ўзининг революцион традициялари билан машҳур Путилов заводининг, ҳозирги Киров заводининг, металл заводи, Нева машинасозлик заводи, «Электросила» заводи ва қаҳрамон шаҳардаги бошқа корхоналарнинг ишчилари, илмий институтлар ва олий ўқув юртларининг ходимлари бор. Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник ўртоқлар, шаҳар ва область партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари тўпланган трибуна олдидан меҳнаткашларнинг колонналари тўхтовсиз ўтиб турди. Булар орасида 1917 йилдаги революцион воқиаларнинг қўпгина қатнашчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш новаторлари бор.

Ленинградликлар трибунадагиларни қизғин табрикладилар. Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шарафига табрик хитоблари янграб турди.

Намойишчилар умумий тинчликка чақирувчи сўзлар ёзилган қизил алвонларни кўтариб ўтдилар. Улар тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган ҳамма халқларга қардошлик саломи йўллаб турдилар. Кўпгина плакатлардаги ёзувларда Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва халқнинг бузилмас бирлигини ифодаловчи, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини маъқулловчи сўзларни ўқиш мумкин эди.

Намойиш уч соатдан кўпроқ давом қилди. Бунда ленинградликлардан етти юз мингдан кўпроқ киши қатнашди. Уларнинг байрам юриши совет халқининг кучи ва қудрати, унинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети теварагида жипслашганлигининг ажойиб намойиши бўлди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Ленинграддан жўнаб кетдилар

ЛЕНИНГРАД, 7 июль. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, О. В. Куусинен, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник ўртоқлар бугун кечаси Ленинграддан Москвага жўнаб кетдилар. Булар Ленинграднинг 250 йиллигини нишонлаш юзасидан мукофотланган ишчилар, инженерлар ва техниклар, фан ва маданият ходимлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларидан катта группасига, шунингдек область қишлоқ хўжалик илғорларига орденлар ва медаллар топширилиши муносабати билан Ленинградга келган эдилар.

Москва вокзалида меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Р. Козлов, меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов, меҳнаткашлар депутатлари Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари И. В. Спиридонов, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, фан техника ва маданият арбоблари, меҳнаткашларнинг вакиллари кузатиб қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари кузатувчилар билан самимий ҳайрлашдилар. Кузатувчилар Совет давлати раҳбарларини Ленинградга яна келишга таклиф қиладилар, меҳмонларга оқ йўл тилайдилар.

РЕПОРТАЖ

ЧЕВАРЛАР ОРАСИДА

Фанговий деб юритиладиган катта ва кенг тикув-тўқув цехига кирганимизда, коллективнинг ҳар бир аъзоси ўз машинасида завқ-шавқ билан ишламоқда эди. Бу ердаги тўқувчи, бичувчи ва тикувчи хотин-қизларнинг ҳар бири смена топшириғини тез ва сифатли қилиб бажаришга, бу соҳада бири-биридан ўзиб кетишга астойдил интиларди.

Цех бошлиғи Мария Григорьевна Андреевская бизни участкалар бўйлаб айлантираркан, асосий иш процесслари ва илғор ишчилар билан таништира бошлади.

— Цехимиз, — дейди Мария Григорьевна, — аёллар ва болалар учун устки трикотаж кийимлари тайёрлайди. Тайёр моллар сортларга ажратилиб тахлангач, складга топширилади.

Эпчиллик билан машинада чок тикаётган бир тўда хотин-қизлар орасида қорачадан келган, ўрта бўйли, ёш қиз ўзининг чаққон ҳаракати билан бошқалардан ажралиб турарди. Цех бошлиғи шу қиз билан бизни таништираркан:

— Фабрикамизнинг моҳир тикувчиси Озода Ниёзова, — деди.

Сўнг яна цехни айланишда давом этдик. Икки системалик жемпер белбоғини тўқиб чиқарадиган фанго машинаси олдида тўхтадик. Автоматик равишда ишлайдиган бу машинани цех старший мастери И. С. Ассерянц ихтиро этган экан.

Шу орада смена иши тугади. Озода ўз дугонаси билан суҳбатлашиб, биз томон келарди Йўл-йўлакай дугонаси ундан:

— Озода, сен бугун қанча жемпер тикдинг? — деб сўради.

— Чамамда 160 бўлди шекилли, — жавоб берди у.

— Ўҳў, нормадан 30 та оширдингми? Шунча ҳаракат қилсам ҳам сенга 10 дона етказа олмабманда, — деди дугонаси қизларга хос шўхчанглик билан.

Фурсатдан фойдаланиб, биз Озода билан суҳбатлашдик.

— Энди ҳорманг, Озодахон.

У шимарилган енгларини тўғрилар экан, жавоб берди:

— Ҳорийдиган ҳали бирорта иш қилганимча йўқ.

Бу чевар қизнинг билинар-билинмас ўйноқи кўзларидан ҳам, қаддиҳаракатидан ҳам, сўзларидан ҳам унинг ўз касбига бўлган муҳаббати ҳамда ўз меҳнатининг самаралари-дан жуда-жуда мамнун эканлиги яққол сезилиб турарди. У, ҳозиргина сменадан чиққан бўлса ҳам, руҳан жуда тетик, унда андаккина бўлса ҳам ҳориганликнинг аломатлари кўринмасди.

— Бугун смена топшириғидан ташқари 30 та жемпер тиқибсиз, табриклаймиз.

У, эшитилар-эшитилмас қилиб «раҳмат» деди.

Биз Озодадан қандай қилиб смена топшириғини ортиғи билан бажараётганлигини сўзлаб беришини сўрадик.

— Бир касбни севиб қолганингдан кейин, доим шу иш тўғрисида ўйлайвераркансан. Ишдан қўлим бўшаши билан тажрибали тикувчилар олдига бориб қолганимни ўзим ҳам билмай қоламан. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатиб турар эканман ўз приёмларимга қиёс қилиб кўраман. Бундай кузатишларда, кўпинча кичик бўлса ҳам, бирор янгиликни ўрганиб оламан. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги новатор тикувчиларнинг илғор иш методлари ифодаланган брошюраларни ўқиб бораман. Улардан кўп фойдали янгиликларни ўрганиш мумкин. Айниқса, мен сингари ёш, тажрибаси оз тикувчиларга бундай адабиётлар жуда фойдали.

Озода қандай қилиб кундалик нормани доим ортиғи билан бажараётганлигининг «сири»ни ишчиларга хос камтарлик, соддалик билан ҳикоя қиларкан, бу сўзлардан биз унинг қанчалик тиришқоқ, зеҳни ўткир, завқ ва ҳузурни меҳнатдан ахтарадиган олижаноб қиз эканлигини янада чуқурроқ тушуна бошладик.

— Мен, — деди сўзида давом этиб Озода, — энди тикувчиликнинг чуқур специфик томонларини ўрганиш учун интилмоқдаман, кечки ишчи-ёшлар мактабини битиргач, тикувчи-инженерликка ўқимоқчиман. Ушандан кейин «росмана тикувчиман» десам ярашади.

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасида кундалик нормани доим ошириб бажариш ва нуқул юқори сифатли маҳсулот бер.

ётган хотин-қизлар жуда кўп. Улар ўз корхоналарида юқори сифатли ва таннархи арзон маҳсулотларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши учун катта ҳисса қўшмоқдалар.

Д. ҚОСИМОВА,
М. ШЕРМУҲАМЕДОВА.

Ярославль синтетик каучук заводи

Завод директори ўртоқ М. М. БОНДАРЕНКОГА
Завод партия комитети секретари ўртоқ А. Н. ПРИВАЛОВГА
Завод касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Г. Б. РИНКЕВИЧГА
Завод ВЛКСМ комитети секретари ўртоқ А. Ф. КРОТИКОВАГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ярославль синтетик каучук заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини завод ишга туширилган куннинг 25 йиллиги муносабати билан қутлайдилар.

Биринчи беш йиллик йилларида қурилган Ярославль синтетик каучук заводи мамлакатимизда синтетик каучук саноатини ривожлантиришга асос солди. Завод 25 йил давомида йирик илғор корхона бўлиб ўсди. Ўзимизда синтетик каучук саноатини янада ривожлантириш учун кўпгина малакали кадрлар тайёрлади ва Совет Иттифоқининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ярославль синтетик каучук заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларни бундан буён ҳам синтетик каучук ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва синтетик каучук билан халқ хўжалигини узлуксиз таъминлаш юзасидан зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажарадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Н. ХРУШЧЕВ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ Н. БУЛГАНИН.

Партия ва халқ бирлигининг қудратли кучи

☆ ☆ ☆

Чексиз садоқат белгиси остида

Оҳангарон шаҳрининг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарорини якдиллик билан маъқуллашмоқдалар. Шу муносабат билан. Оҳангарон шаҳрининг барча корхоналарида меҳнаткашларнинг кўпкишилик йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда сўзга чиққан жуда кўп нотиқлар меҳнаткашлар оммасининг фикрини ифодалаб, партияга қарши фракциячиларнинг фаолиятини ғазаб билан қораламоқдалар.

«Узшахтстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси ишчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 400 га яқин киши қатнашди.

Ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи ўртоқ Н. Мамажонов бошқарма коллективи фикрини ифодалаб, қуйидагиларни айтди:

— Фракциячилар группаси жонажон партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг мамлакатимиз саноати, қишлоқ хўжалиги ва халқаро муносабатлар соҳасидаги сиёсатига қарши чиқдилар. Лекин улар ўз мақсадларига етолмадилар, етолмайдилар ҳам. Чунки бизнинг партиямиз ленинча принципларни оғишмай амалга оширмоқда. Биз ишчилар Маленков, Каганович, Молотовларнинг партия ва халққа қарши группасининг фаолиятини қоралаймиз ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг адолатли қарорини чин қалбдан қўллаб қувватлаймиз.

Экскаватор машинисти ўртоқ С. Орлов бундай деди:

— Партиямиз Марказий Комитети Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группасининг нифоқчилик ҳаракатига қақшатғич зарба берди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми халқнинг ва мамлакатнинг тақдири учун катта аҳамиятга эга.

Бошқарма ишчиларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарори якдиллик билан маъқулланган ва партиямиз ленинчи Марказий Комитетига чексиз садоқат билдирилган резолюция қабул қилди.

Ана шундай йиғилишлар 9-шахта, кўмир разрези, цемент заводи, кон устини очиш разрези ва бошқа корхоналарда ҳам бўлиб ўтди.

М. РАҲИМОВ.

Партиямизга тўла содиқ бўлиб қоламиз

«Чирчиксельмаш» заводи партия ташкилотининг йиғилиши коммунистларнинг сиёсий ҳушёрлиги янада ошган, партиямиз Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслашиш, партиямиз сафлари бирлигини кўз қорачиғидай сақлашга тайёр турганлик белгиси остида ўтди.

Йиғилишда «КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарори» ҳақида Тошкент область партия комитети саноат ва транспорт бўлими мудирининг ўринбосари Ўртоқ Қобилов доклад қилди.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Биринчи бўлиб завод партия бюросининг секретари ўртоқ Мусин сўз олади.

— Биз, — дейди нотиқ, — КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси ва уларга қўшилган Шепилов ҳақида қабул қилган қарорини зўр мамнуният билан маъқуллаймиз. Марказий Комитет бу қарор билан ўзининг монолитлиги ва жипслашганлигини, партиямиз сафларининг бирлигини сақлаш ҳақидаги ленинча кўрсатмага содиқ эканлигини намойиш қилди.

Кейинги йиллар ичида, деб давом этади, ўз сўзида нотиқ, мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Бу муваффақиятлар бизнинг заводимиз ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди. Завод 1953 йилдан бошлаб тўхтовсиз равишда янги техника билан ускуналанмоқда, унинг экономикаси бирмунча мустаҳкамланди, ишлаб чиқариш планлари доимо ошириб бажарилаётир. Заводимизнинг келажакдаги перспективаси кишини янада қувонтиради. Саноат ва қурилишни бошқаришнинг янги тартиби жорий қилиниши муносабати билан биз қўйиш цехини реконструкция қила бошладик, махсус электрод цехи қураётирмиз. Бу цех Тошкент иқтисодий районидаги барча корхоналарни электрод билан таъминлаш имкониятини беради.

Совет халқи КПСС XX съезднинг қарорларини амалга ошириш учун ана шундай ташаббус билан меҳнат қилаётган бир вақтда Маленков, Каганович, Молотовлар партиямизни ленинча тўғри йўлдан тойдиришга, қаторларимизда парокандлик ҳосил қилишга аҳд қилдилар. Аммо уларга қаттиқ зарба берилди. Бундан кейин ҳам партиямиз сафларини ҳеч қандай группалар ва фракциялар буза олмайдилар, чунки унинг бош йўлини миллионларча меҳнаткашлар қўллаб- қувватламоқдалар.

Завод комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мельник комсомолларга ва ёшлар номидан гапириб, бундай деди:

Биз комсомол ва ёшлар ҳам ўзимизнинг улуғ оғаларимиз — коммунистлар каби Маленков, Каганович ва Молотовлардан иборат партияга қарши группанинг ажратувчилик фаолиятидан ниҳоятда ғазабландик. Биз, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллаймиз, партиямизнинг севикли Ватанимизни янада гуллаб-яшнатишга қаратилган чақириқларини бажаришга доим тайёр турганлигимизни ва бу йўлда фидокорона меҳнат қилажагимизни бирдам бўлиб изҳор қиламиз.

Сўз шаҳарнинг энг кекса ишчиси, социалистик Чирчиқни барпо этишда биринчилардан бўлиб қатнашган мастер ўртоқ Шокировга берилади.

— Шу кунларда мен, — дейди у, — шаҳримиз ҳаётида босиб ўтилган йўлни беихтиёр равишда эслаётирман. Чирчиқни қисқа муддат ичида йирик индустрия марказига айлантириш учун кўпгина қийинчиликларни бошдан кечиришга ва уни енгиб ўтишга тўғри келган эди. Ҳозирги вақтда шаҳримизда янги қурилишлар кенг миқёсда олиб борилаётир, аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси тобора фаровонлашмоқда ва юқори босқичга кўтарилмоқда.

Бизнинг олга томон, коммунизм сари ҳаракатимизни тўхтатишга уринган кишиларнинг ҳатти-ҳаракати ҳар бир соф виждонли кишининг юрагида ғазаб ва нафрат уйғотмаслиги мумкин эмас. Партияга қарши группа халқнинг ҳаётидан ажралиб қолган эди, унинг асл манфаатларини кўзлашга қобиллиги эмас эди.

Завод партия йиғилишида КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини якдиллик билан қувватлаб қарор қабул қилинди.

ОБЛАСТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҒАМХЎРЛИГИГА ЯНАДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Партия ва ҳукуматимизнинг янги қароридан миннатдормиз

Оҳангарон район чорвадорлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қўйчиликни янада ривожлантириш ва жун етиштиришни кўпайтириш тўғрисида» деб чиқарган қароридан илҳомланиб бу йил давлатга жун топшириш планини муддатидан анча илгари 116 процент қилиб бажардилар.

Районда жун қирқиш агрегатларидан унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият берилди. Чорвадорлар ўз вазифаларига масъулият билан қараб жун қирқиш сифатини анча яхшилашга эришдилар.

Айниқса 1-Оҳангарон ва наслчилик совхозларининг чорвадорлари эришган муваффақиятлар алоҳида тақдирга сазовордир. 1-Оҳангарон совхозида жун қирқиш ишига кўп йиллик тажрибага эга бўлган кишилар тайинланганлиги, улар ўртасида социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилганлиги сабабли пландаги 128 центнер ўрнига 205 центнер жун тайёрланди. Йиллик план 157,8 процент бажарилди. Наслчилик совхозида ҳам бу соҳада дуруст натижалар қўлга киритилди. Совхоз чорвадорлари йиллик жун тайёрлаш планини 115,8 процент бажардилар.

Жонажон партия ва совет ҳукуматининг «Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида»ги қарори район чорвадорларини янгидан-янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди.

Чорвадорлар шу кунларда янги қарорга жавобан қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, қўйчиликни ривожлантириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун астойдил курашмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг янги қарори янада бахтли, янада фаровон ҳаёт кечиришимизнинг яна бир порлоқ ифодасидир. Биз бу ғамхўрликка яраша меҳнат қиламиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини чорвачилик соҳасида янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб оламиз, — бу район чорвадорларининг чинакам чорак сўзларидир.

А. АЪЗАМОВ.

Картошка ва сабзавот ҳосили янада мўл бўлади

ҚОРАСУВ (**Телефон орқали олинди**). Райондаги Ленин номли колхоз аъзолари бир неча йилдан бери картошка ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириб, шаҳар меҳнаткашларининг ана шу маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Колхозда бу йил ҳам экинлар сифатли парвариш қилинмоқда. 391 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 тоннадан картошка, 25 тоннадан карам, 30 тонна помидори ҳосили етиштириш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

Сабзавотчилар эртаги экинлардан юқори ҳосил олиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. М. Ўтешев, Н. Тошқўзиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 58 тоннадан, колхоз бўйича эса 16 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 ўрнига 35 тоннадан карам ҳосили олинди.

Колхозда чорвачилик соҳасида ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Шу кунгача 200 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 2200 литрдан сут соғиб олинди.

Ўтган куни сабзавотчилар, колхоз чорвадорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда жонажон партия ва Совет ҳукуматининг «Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида»ги қарори ўқиб эшитдирилди. Йиғилганлар бу қарорни зўр кўтаринки руҳ, гоят мамнунлик билан кутиб олдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан ҳосилот советининг раиси Х. Зокиров, бригада бошлиқларидан З. Қодирова, М. Азизов, илғор сут соғувчи С. Умарова ўртоқлар йиғилганларнинг фикрини ифода қилиб катта ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик туйғуларини — юрак сўзларини изҳор қилдилар. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Т. Пормуҳамедов ўз сўзида колхоз сабзавотчилари ва чорвадорларини янги қарорга жавобан янада унумлироқ меҳнат қилишга, барча майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун курашга, чорвачиликни янада ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилишга чақирди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Минбардан эшитилган овозлар

Партия активи йиғилиши. Минбарга чиққан Бушуев номли совхознинг директори Ўртоқ Алиев ўз нутқининг бошида «ўтган йилга нисбатан бу йилги ишимиз анча яхши» деб мақтана кетди. Лекин пировардида у планга нисбатан 150 гектар ерга чигит кам экилганлигини айтишга мажбур бўлди. Нима учун совхозда ғўза парваришида ёмон аҳволда, нега катта майдонлардаги ғўзалар ҳозиргача ўтдан тозалаб олинмаган, деган масалага келганда, у довдираб қолди, бўлмағур баҳоналарни рўкач қилиб, ўз айбини хаспўшлашга уринди. Лекин ундан кейин сўзга чиққан Крестьянский қишлоқ Советининг раиси Ўртоқ Нурмуҳамедов Алиевнинг «далиллари»ни рад этиб, ҳақиқий аҳволни айтиб берди.

Дарҳақиқат, Ўртоқ Алиев мақтанишни ўрнига қўябилар экан-у, камчиликлар тўғрисида дадил гапиришга юраги дов бермас экан. У партия активи йиғилишида, 150 гектар ерга чигит кам экилди, деган бўлса ҳам, совхозда 300 гектардан кўпроқ ерда ғўза кўчати йўқ. Ўртоқ Алиев совхоздаги баъзи кишилардан шикоят қилди-ю, лекин далада ишловчи ишчиларга маиший шароит яратиб бериш, кишиларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида оғиз очмади. Совхознинг бригадаларида ҳозиргача дала шийпонлари ташкил этилмаган, оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Дам олиш пайтларида ишчилар ҳордиқ чиқарадиган бирор қулай жой йўқ. Улар ичимлик сув билан таъминланмаганлар.

Шунингдек, Шаҳқирон участкасида 130 гектар ердаги ғўза қачонгача суғорилмаганидан чанқаб ётипти. Бу ерга сув келтириш тадбирлари кўрилмаган. Совхознинг кўп ердаги ғўзасини ўт босиб кетган, культивация қилинмаган. Шундай бўлгани ҳолда совхозда мавжуд 24 «универсал»нинг кўпи бекор турипти. Бу совхозга Фрунзе номли колхоздан ғўзаси бериш учун келган колхозчиларнинг ҳар бири кунига 0,20-0,25 гектар ердаги ғўзани чопиб берган бўлсалар совхоз ишчиларининг ҳар бири 0,04-0,05 гектар ердаги ғўзани чопмоқдалар.

Совхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Бир қанча ишчилар нормадан ортиқ томорқага эга. Улар ўз ишлари билан банд бўлиб, ғўза парваришига кам қатнашмоқдалар. Хўш, шундай экан, Ўртоқ Алиев нима учун «ишимиз ёмон эмас» деб актив минбаридан туриб мақтанади?

Гулистон районида Бушуев номли совхоз сингари ғўза парваришида орқада қолаётган колхозлар ҳам бор. Ўртоқ Темиров раислик қилаётган колхозда яхши парвариш қилинмаганидан 124 гектар ердаги ғўза ҳозир ҳам 4-6 барг чиқаргапича турибди. Бу колхозда колхозчиларнинг кунлик нормаларини бажаришлари, уларнинг ишни сифатли қилиб адо этишлари учун астойдил кураш олиб борилмаётир. Агар районда ўрта ҳисобда бир киши 0,20-0,25 гектар ердаги ғўзани чопаётган бўлса, бу колхозда бир киши бир кунда бор-йўғи 0,08-0,16 гектар ердаги ғўзани чопиқ қилмоқда. Калинин номли колхозда ҳам шу каби аҳвол юз бермоқда. Бу колхознинг 1, 4-бригадаларидаги ғўза ҳамон ўтдан тозаланмаган, кўп ерларда кўчат сийрак. Бунинг устига бу иккала колхозда ишлаб турган тракторларнинг иш унуми жуда паст. Колхозда бир трактор ўрта ҳисобда кунига 4-6 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, белгиланган нормани бажармаяпти.

Тўғри, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг июнь ойида ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтиришга қаратилган Мактубига амал қилиб иш олиб борган, бутун кучни ғўза парваришига сафарбар этаолган бир қатор колхозлар ва бригадаларда июнь ойида яхши натижаларга эришилди. Айниқса Свердлов номли, Крупская номли, Фрунзе номли, «Красний Восток» ва Карл Маркс номли колхозларнинг бир қанча бригадаларида ғўза кўчати ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда бўлиши таъминланди, мавжуд ғўзалар ёппасига гуллаб, кўсаклай бошлади. Бошқа бир қатор колхозларда ҳам шундай илғор бригада ва звенолар бор.

Бироқ, умуман олганда, Гулистон районида июнь ойига мўлжалланган тадбирлар тўла-тўкис амалга оширилмади, ғўзанинг ривожи ўтган йилга нисбатан ҳали анча орқада. Ўтган йили шу пайтда 4 минг гектар ердаги ғўза гуллаган бўлса, бу йил 3,5 минг гектар ердаги ғўза гулга кирган. Ҳали районда 377 гектар ердаги ғўза ривожланишдан жуда орқада. Июнь ойида ғўзани иккинчи озиқлантириш, иккинчи марта кўндалангига культивация қилиш тамом бўлмаган.

Карл Маркс номли колхозда ҳозир механизациядан фойдаланиш мутлақо қониқарсиз аҳволда, деса бўлади. Бунга 2-МТС раҳбарлари эътибор бермаяпти. Колхозда 12 та «универсал» бўлса, шундан 4 таси кўп вақт ишламай туради, ишлаб турган тракторларнинг иш унуми жуда паст, 3,6 гектардан ошмайди.

— Биз 500 гектар ердаги ғўзани кўндалангига қирқиб, икки томонлама ишлаш учун ҳаракат қилдик, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Пардаев, — шундан кам деганда 300 гектар пахта майдонини кўндалангига кишласа бўлади. Лекин бунинг учун трактор йўқ. МТС директори Ўртоқ Киниш бу тўғрида сира қайғирмаяпти. У колхозимизда жуда кам бўлади, аҳволимиздан хабар олмайди.

Шу кунларда райондаги колхозларда сувдан фойдаланиш, ўргимчакканага қарши кураш мутлақо қониқарсиз аҳволда олиб борилаяпти. Калинин номли, Хрушчев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Карл Маркс номли колхозларнинг анча майдондаги ғўзасига ўргимчаккана тушган. Шунга қарамай, бунга қарши кураш бошланмаган.

Ҳозир сувдан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Лекин бир қанча колхозларда сувдан тўла фойдаланмаслик, уни исроф қилиш фактлари содир бўлмоқда. Чунончи, Бушуев номли совхоз сувдан бор-йўғи 30 процент фойдаланган. Хрушчев номли колхозда сувдан фойдаланиш ўрнига, уни зовурга оқизиб юборилган. Умуман район бўйича сувдан фойдаланиш 62 процентдан ошмайди.

Гулистон район партия актив йиғилиши июнь ойи давомида ғўза парвариши соҳасида қилинган ишларни якунлади. Юқоридаги сингари қатор камчиликларни очиб ташлади. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги қарори муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхоз партия ташкилоти колхоз радиоузели орқали тез-тез лекция ва суҳбатлар эшитиришни яхши йўлга қўйган. Суратда: колхоз бухгалтери М. Саидхўжаев тингловчилар билан қишлоқ хўжалик экономикаси масалалари юзасидан суҳбат ўтказмоқда.

В. Салов фотоси.

Колхоз партия ташкилоти ғўза парваришини кучайтириш ишига бошчилик қилмоқда

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз аъзолари ишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мактубида кўрсатилган тадбирлар асосида ташкил этиб, шу кунларда барча майдонлардаги ғўзаларни бир текис шоналатиш ва гулга киритиш юзасидан зарур чораларни амалга оширмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Ерденов) колхозчиларнинг бу соҳадаги ижодий ғайрат ва ташаббусларига бошчилик қилиб, уларни мўл ҳосил учун курашга сафарбар этмоқда. Шу муносабат билан бригада ва звенолар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилди.

Яқинда ўтказилган партия йиғилишида ғўза парваришини янада кучайтириш ва механизациядан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалалар кенг муҳокама қилинди. Шундан кейин дала ишларининг энг масъулиятли участкаларига коммунистлар биркитилди.

Ўртоқ А. Аштрапов бошлиқ 5-бригада колхозда энг қолоқ бригада ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам партия ташкилоти юз берган аҳволни дарҳол ҳисобга олиб, бу бригада ишларига алоҳида эътибор берабошлади, коммунистларнинг ёрдамини уюштирди. Бригаданинг иши илғарилари ҳам очиқ партия йиғилишларида бир неча марта муҳокама қилинган эди. Бу муҳокамалар самарали натижаларни берди. Эндиликда бригадада меҳнат интизоми анча мустаҳкамланиб, кундалик график бажариладиган, мавжуд ишчи кучлари дала ишларига тўлиқ қатнашадиган бўлиб қолди.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши колхознинг 580 гектар майдондаги ғўзасини шу кунгача икки марта комплекс парваришдан чиқариш имкониятини берди.

Колхоз партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, илғорларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришга катта эътибор бермоқда. Ҳар бир бригадага биркитилган агитаторлар колхозчилар ўртасида суҳбатлар ўтказмоқдалар, илғорларнинг иш тажрибаларини сўзлаб бермоқдалар.

Ҳозир барча бригадаларда «Жанговар варақа» ва деворий газеталар чиқариляпти. Яқинда колхознинг 7-бригадасида «Жанговар варақа» чиқарилди. Унда кундалик нормасини 2-2,5 ҳиссага етказиб бажарайтган Ш. Муртозова, П. Турсунова, Ф. Маматова, Х. Ўразова, К. Ҳозиқова ўртоқларнинг меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида ва ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган бошқа хабарлар ёзилган.

Колхоз пахтакорлари шу кечакундузла ғўза парваришини янада кучайтириб, пахта далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

И. ИБОДОВ.

Мактаблардан дараклар

СИРДАРЁ. Райондаги Ҳ. Олимжон номли 7-ўрта мактаб ва А. Навоий номидаги 5-мактаб ўқувчилари колхозларга чиқиб, ариқларни тозалаш, экинларни суғориш, чопиқ ишларида колхозчиларга катта ёрдам бермоқдалар. Р. Қобилов, А. Абдуллаев каби ўқувчилар бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаш билан колхозчиларнинг ташаккурига сазовор бўлмоқдалар.

Ч. ИЛЁСОВ,
Т. ҲАЙДАРОВ,
Ш. ДАВЛАТОВ.

* * *

КАЛИНИН. 27-ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари райондаги «Победа Октября» колхози далаларида қишлоқ хўжалиги ишларида колхоз аъзоларига ёрдамлашдилар. Мактаб коллективининг кучи билан колхознинг 20 гектардан ортиқ ердаги ғўзаси бегана ўтдан тозаланди.

М. ОРТИҚОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Алимкент қишлоқ советидаги Жданов номли 3-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари райондаги Навоий номли колхознинг 12 гектар ердаги ғўзасини бегана ўтдан тозалаб, чопиб бердилар.

М. ОЙДИНОВ.

* * *

ЎРТАСАРОЙ. Тельман номли ўрта мактаб коллективи ғўза парваришида колхозчиларга муносиб ёрдам беришга аҳд қилган. Шу кунларда мактаб ўқувчилари Охунбобоев номли колхознинг Ли Александр бошчилик қилаётган 1-бригадасида ишламоқдалар. Уларнинг кучи билан бригаданинг 50 гектарга яқин пахта майдони иккинчи чопиқдан чиқарилди.

Т. АЛИҚУЛОВ.

* * *

ОКТЯБРЬ. Райондаги мактаб ўқувчилари колхозга чиқиб отаоналарига ёрдамлашмоқдалар. А. Маханбоев, А. Аҳмадалиев, Ж. Қорабоев, М. Асқаров каби ўқувчилар ғўза зараркунандаларига қарши курашда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

А. НУРМАТОВ.

Тўқимачилик комбинатида

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ

Шу вақтгача шифер тайёрлашда пахта ишлатилар эди. Комбинат механика заводи ёрдамчи хўжалигининг раҳбари Федоров ва старший мастер Стороженко ўртоқлар пахта ўрнига, шу кунгача ҳеч қаерда қўлланилмаган пахта чиқиндисидан шифер ишлаб чиқаришда фойдаланишни таклиф қилдилар. Янги усулда тайёрланган шифер илгаригига қараганда анча мустаҳкам бўлиб чиқди.

Бу рационализаторлик таклифи йилига 200 минг сўм фойда келтиради.

ЯНГИ ПИОНЕРЛАР ЛАГЕРИ

54-разъезд яқинида жойлашган колхоз боғида 250 ўринлик пионерлар лагери очилди. Лагерда тўқимачиларнинг болалари дам олади. Павильонлар, йўлкалар тартибга келтирилиб, гулзорлар барпо қилинди. Лагерь кутубхонаси янги китоблар билан тўлдирилди. Болалар учун велосипедлар, болалар телефонлари, киноаппарат олинди. Пионер ва ўқувчиларнинг ёзги дам олишини яхши ва мазмунли ўтказишни кўзда тутган программа тузилди. Лагерь яқинидаги колхозларга экскурсия уюштириш, ҳаваскорлар тўгарагининг концертларини кўрсатиш ҳам мўлжалланган.

ИШЧИЛАР КЕНГАШИ

Комбинат бошқармасининг мажлислар залида ўрта маълумотга эга бўлган ишчи ёшларнинг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ишчилар Тошкент тўқимачилик институтига кириш истакларини айтдилар.

Институт қабул қилиш комиссиясининг масъул секретари Ўртоқ Муҳамедов ишчиларга институтга кириш қоидалари, тўқимачиларга берилган енгилликлар тўғрисида гапириб берди.

ОШХОНАЛАР УЧУН ЯНГИ УСКУНАЛАР

Ошхоналарни махсус техника ускуналари билан қуроллантириш ишлари яхшиланмоқда. Яқинда 600 килограмм ҳажмдаги озиқ-овқатни бузмасдан сақловчи холодильниклар олинди. Комбинат томонидан олинган идиш-товоқларни автоматик равишда ювувчи иккита машина ишга енгиллаштиради. Бундай агрегат 4-ошхонада ишламоқда. Комбинатга келтирилган электр плиталар овқат тайёрлаш даврида бир хилдаги иссиқликни сақлаш имкониятини беради.

Ошхонага механизациялаштирилган гўшт қирқиш ускуналари олинди. Бу ускуна 1 соатда 100 килограмм қийма тайёрлаб беради. Булардан ташқари, картошка тозалагич ускуналар ҳам ўрнатилди. Бу ускуна 1 соатда 120-150 килограмм картошка тозалаб беради.

Р. ИБРОҲИМОВ.

Байрамолди кинофестивали

Тошкент округ офицерлар уйи ҳузуридаги кинотеатрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллиги олдидан «Совет кино санъати партия ва халқнинг Совет ҳокимияти ҳамда ёш авлоднинг бахти учун кураши ҳақида» деган темада кинофестивал бошланди. Фестиваль кунларида пойтахт тамошабинлари революцион темага бағишланган ҳужжатли ва бадиий фильмларни кўрадилар.

Улуғ доҳи В. И. Ленининг фаолиятига бағишланган фильмлар фестиваль программасида муҳим ўрин тутади. «В. И. Ленин Октябрда», «В. И. Ленин 1918 йилда», «В. И. Ленин» сингари фильмлар шулар жумласиндандир. Меҳнаткашлар томонидан мамнуният билан қутиб олинган «Пролог» фильми ҳам фестиваль кунларида намойиш қилинади.

Бундан ташқари, фестиваль программасида «Котовский», «Дохунда» номли фильмлар ҳам бор.

Улуғ байрам муносабати билан ўтказилаётган кинофестиваль тамошабинларни Октябрь кунларида бўлиб ўтган тарихий воқеалар билан таништиришда катта роль ўйнайди.

А. АЛИЕВ.

1000 киносеанс

Янгийўл район маданият бўлимига қарашли киноустановкаларнинг механиклари Қурбонов ва Ҳайалиев ўртоқлар қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар қайси колхозга бормасинлар, аҳоли меҳмондўстлик билан қарши олади. Ўз аппаратлари билан ҳар куни район колхозларини кезиб юрадиган бу киномеханиклар шу йилнинг ўтган ойларида қишлоқ аҳолисига 1000 киносеанс қўйиб бердилар. Бу сеансларда 85 минг тамошабин қатнашди.

Колхозчилар «Дохунда», «Қутлуғ қон», «Жасурлик», «Икки океан сири», «Бедарак йўқолган» ва бошқа совет бадиий фильмларини зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Почта иши яхшилансин“

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа билан хабар босилиб, унда Тошкент шаҳар 31-алоқа бўлимининг яхши ишламаётгани, меҳнаткашларнинг хатлари, обуначиларнинг газета ва журналлари ўз вақтида етказилиб берилмаётгани танқид қилинган эди.

Тошкент почтамтидан редакциямизга хабар қилишларича, текширишда газетада келтирилган фактлар тасдиқланган. Газета материали алоқа бўлимининг ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, ишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланган.



Оҳангарон ГРЭС қурилишида монтаж ишлари жадал сурат билан олиб борилмоқда. Суратда: (чапдан) электросваркачи В. Сухоруков ва слесарь-йиғувчи А. Тистимиров ўртоқлар парқизитиш коллекторини пайванд қилмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Область халқ ижодий уйида

Область халқ ижодий уйи халқ талантлари усталарини етказиб беришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ерда ҳозир 20 дан ортиқ турли тўгаракда иш олиб борилиб, бу тўгаракларда эса 450 ҳаваскор қатнашмоқда. Хор, ўзбекча ўйин, русча ўйин, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, бичиқ-тикув, драма тўгараклари машғулотлари системали равишда ўтказилиб турибди. Кейинги вақтда бичиқ-тикув тўгарагига қизиқувчи қизлар сони анча кўпайди. Айниқса қўл ҳамда машинада гул тикиладиган тўгарак машғулотларида қизлар кўп нарсани билиб олмоқдалар.

Халқ ижодий уйининг областимиз шаҳар ва районларида кўпгина филиаллари бор. Мазкур филиалларда 1000 га яқин киши иштирок этади. Маданият уйининг раҳбарлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга интиладилар. Районлардаги маданият уйларига методик хатлар ва репертуарлар юборилади. Шунингдек, янги очилган тўгараклар малажали ўқитувчилар билан таъминлаб турилади. Сирдарё, Бўстонлиқ районларидаги маданият уйлари колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, халқ талантларига қулай имкониятлар яратиш мақсадида областимиз районларида янги маданият уйлари қурилмоқда.

Яқинда Москвада ўтказиладиган VI жаҳон фестивалига халқ талантлари ҳам борали. Булар орасида Сирдарё районидан опа-ука Рўзиевлар, Калинин районидан С. Рўзиева, Ў. Шокиров ўртоқлар ҳам бор. Область халқ ижодий уйи ёшларнинг ҳунар ўрганадиган жойларидан бири бўлиб қолган.

И. МУРАТОВА.

Далада кўчма дўкон

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзолари «Қизил Октябрь» сельпосидан жуда ҳурсандлар. Сельпонинг бу колхозда ташкил қилган кўчма дўкони 7 йилдан бери мунтазам равишда ишлаб келмоқда.

Дўкон мудири Б. Темуров колхозчиларнинг талабларини қондириш учун ҳар куни колхоз участкаларида бўлади. У колхозчиларга озиқ-овқат ва бошқа кенг истеъмол моллларини ўз вақтида етказиб бермоқда. Ўртоқ Темуров планда белгиланган 1000 сўм ўрнига, ҳар куни 1600-1800 сўмлик савдо қилянти.

Ф. ШАХРАМОВ.

ОЛТИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Конференциядан сўнг...

Бу воқеа Минула Хамидуловичнинг ҳамон эсида, унингча худди кечагина бўлиб ўтгандай...

Воқеа бундай бўлган эди. Завод клубида корхона рационализаторлари ва ихтирочиларининг конференцияси қарийб икки соатдан бери давом этмоқда. Янгилик изловчилар ўртасида олиб борилаётган иш яхши йўлга қўйилмаганидами, айрим консерватор ва бюрократларнинг маълум даражадаги кучи ва таъсири борлиги учунми — ҳар ҳолда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси қуйиб-пишиб гапирарди.

Кимдир сўзга чиқиб, корхонада ижодий изланувчиларга— рационализаторларга лозим даражада илтифот кўрсатилмаётганлиги ҳақида гапирди. Нотиқ ўз фикрининг исботи учун 9-ёғочсозлик цехини мисол келтирди.

— Ёғочсозлик цехи корхона раҳбарлари учун ўғай цех. Қуюв, механика ва йиғув цехлари каби асосий участкалар олдида бошлиқларимиз учун ёғочсозлик цехи арзимас бир ишлаб чиқариш участкаси. Ахир у ерда каттагина коллектив ишлайди-ку!

Нотиқнинг икки чеккасидаги томирлари бўртиб кетди. У, стакандаги сувдан бир ҳўплади-да, йўталиб олиб сўзида давом этди: цех бошлиқларини ҳам айблаш керак. Улар ишчилардан кайси бирининг нима билан шуғулланаётганлигини билмайдилар. Уларни янгиликлар топишга, ижодий изланишларга жалб қилмайдилар. Бошлиқлар фақат бир нарса ҳақида қайғирадилар — у ҳам бўлса қандай қилиб бўлмасин планни ўз вақтида бажариш. Шунинг учун ҳам каттагина коллективга эга бўлган цехда номига бўлса ҳам, бирорта рационализатор ёки ихтирочи йўқ. Ахир, бу шармандалик-ку!

Шу ерга келганда нотиқнинг жон қуйдириб гапираётган ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб ўтирган Минуланинг пешонасидан тер чиқиб кетди. У, нима учундир шошиб-пишиб шимининг чўнтагидан дастрўмолини олди ва ламба-ҳам пешонасини, юзини арта бошлади. У нотиқнинг сўнгги сўзларини эшитмади. унинг нима деяётганлигини англай олмади. «Ахир, бу шармандалик-ку!». Бу сўзлар унинг юрак бағрини худди чўғдек куйдираётган эди. Нотиқнинг ҳар бир сўзи гўё унга, унинг адресига қаратиб айтилгандай. Шунинг учунми ёки бошқа сабабланми — ҳар ҳолда Минуланинг қулоқларигача шолгомдай қизариб кетган эди.

Минула Сафин 9-ёғочсозлик цехининг олдий ишчиси. Ҳозиргина шу цехни роса ногора қилиб дўппаслаган нотиқ унинг номини тилга ҳам олгани йўқ, у ҳақда оқалли бир оғиз ҳам сўз айтмади. Лекин у, олдий ишчи бўлса ҳам шу коллективнинг аъзоси-ку. Ҳўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди, деб бечиз айтмаганлар.

Сафиннинг ҳаёлида заҳдагиларнинг ҳаммаси, шу ерга тўпланганларнинг каттадан-кичиги унга қараётгандек эди. Қани энди ер ёрилсаю...

Тўсатдан чалинган кучли қарсак овозлари ўз ҳаёлига шўнғиб кетган Минулани бир зумда ўзига келтирди. У атрофига қаради, ҳамма ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетаётган эди. Минула ҳам ташқарига чиқди. Бироқ у ҳеч кимга тик қараёлмади. Унинг назарида атрофдагилар бир-бирини туртиб, қўлини бигиз қилиб, «мана бу Минула Сафин ҳам ҳалиги ногора қилинган цехнинг ишчиси» деяётгандек.

Шу кечаси у алла вақтгача ухлай олмади, ҳам у ёнига, ҳам бу ёнига тинмай ағанар, баъзан эса икки қоши ўртасида бармоқдай тугунча ҳосил қилганича бир нуқтага тикилиб қоларди. Узоқ-яқиндаги хўрозларнинг олдинма-кейин қичқиқлари эшитилаётганда Сафиннинг кўзи уйқуга кетди.

Минула туни бўйи яхши ухламаганлигига қарамай, барвақт турди. Чала уйқуликдан бўлса керак, унинг боши гувулларди. Сафиннинг лаблари беихтиёр равишда «ахир, бу шармандалик-ку!» деб тинмай пичирларди.

У, тойни чалажам-чатти ичди-да, заводга қараб йўл олди. Негадир тўғри қутубхонага борди.

— Дурадгорликка доир китобларингиздан берсангиз, — деди у.

Қутубхоначи «Столярное дело», «Справочник столяра» ва яна аллақандай китобларни унинг олдига қўйди. Сафин китоблардан баъзи бирларини танлаб олди-да, чиқиб кетди.

Сменанинг бошланишига ҳали эрта эди. Сафин ўз иш жойини тайёрлади, асбобларини созлади. Негадир цехни айланиб чиқди. Цехнинг ҳар бир участкасидаги иш процессларини бирма-бир ҳаёлан кўздан кечирди. Шу-шу бўлди-ю, иш процессидаги ҳар бир операциянинг ипидан-игнасигача синчиклаб ўрганиб бориш Сафин учун одат туси-га кириб қолди. У, ишдан ташқари вақтларини китоб устида ишлашга бағишлади. Энди Сафин учун ўз цехидаги мавжуд ишлаб чиқариш технологияси эскириб қолгандек туюлди. У, баъзи бир мосламалар ихтиро қилди ва уларни синаб кўрди. Синовлар яхши натижа берди.

Янгилик яратиш, ижодий изланиш соҳасидаги унинг дастлабки қадамлари цех раҳбарларининг кўнглини кўтариб юборди. Улар гоҳо-гоҳо гап орасига «Ким айтади: ёғочсозлар орасидан рационализатор чиқмайди, деб? Мана, марҳамат қилиб Минула Хамидуловичнинг иши билан танишинг» деб қистириб қўядиган бўлдилар.

Ҳақиқатан ҳам Сафин ёғочсозлар орасидан чиққан дастлабки рационализаторлардан бири эди.

Минула изланишда давом этди. Коллектив ўртасида унинг ҳақида айтилаётган илиқ сўзлар Сафиннинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшарди.

Бир кун цехга жуда кўп миқдорда СКГ-9001 маркали детальмеханизм ластакларини қисқа муддат ичида тайёрлаб бериш заказ қилинди. Бундай дастаклар илгаридан ҳам, ҳозир ҳам токарлик станокларида тайёрланар эди. Заказни бажариш муддати жуда қисқа, лекин унинг ҳажми катта эди. Шу сабабли цех коллективининг ҳар бир аъзоси меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берувчи воситаларни ўйлаб топишдан бошлади. Бу соҳада баъзи бир натижаларга ҳам эришилди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам коллективни қаноатлантирмаслиги.

...Минула станокнинг дастасини босди. Гуруллаб айланиб турган мотор «пуф» этди-ю ўчди. У, тайёрланаётган дастакни қўлдан кетмаслиги учун ўзи тикилиб қолди, деталь чертёжини олиб кўздан кечирди. Сафин ўз қаёли билан шу қадар ўралиб қолган эдики, ҳатто у цех бошлиғининг келиб унинг ишига кўпдан бери разм солиб турганини ҳам сезмади. Ниҳоят, «ҳа, Минула Хамидулович, чертёжда бирорта камчиликни топдингми?» сўради бошлиқ.

— Йўқ,—жавоб берди Сафин,— унда ҳеч қандай камчилик йўқ, тўғри тузилган. Мен бошқа бир нарса ҳақида ўйлаяпман.

— Нима ҳақда?

Дурадгор чертёжга бир назар ташлади-да сўнгра жавоб берди:

— Дастакни токарлик станогида эмас, балки бирор бошқа станокда тайёрлаш мумкин эмасмикан?

Бу гап бошлиқни ўйлантириб қўйди, у дам станокка, дам чертёжга ва дам дурадгор қўлидаги дастакка назар ташлар экан, нечундир ниғини қашлаб қўйди.

— Бу нарсани ўйлаб кўриш керак. Менингча, ҳар ҳолда шундай қилиш мумкин. Иш тамом бўлгач, менга учрашгин, маслаҳатлашамиз, технологларни ҳам чақирамиз.

Смена тугагач, Сафин бошлиққа учрашди. У, ўз фикрини батафсил сўзлаб берди. Донгдор дурадгорнинг бу гояси айниқса технологларга маъқул тушди. Йиғилганларнинг ҳаммаси Сафинни қўллаб-қувватлади.

Минула яна кечалари кам ухлайдиган бўлиб қолди. Дурадгор ўзи яратаётган махсус станокнинг хомаки чертёжи устида бир неча кун ишлади. Тўкилган тер ва қилинган меҳнат зойи кетмади. Уйқусиз электр чироқлари олдида ўтказилган тунлар ўз самарасини, ўз натижасини берди. Чертёжини цех раҳбарларига кўрсатганида, улар дурадгорнинг тиришқоқлигига, идрокига, меҳнатсеварлигига қойил қолдилар. Кимдир шунда қувониб кетганидан бўлса керак, Минуланинг елкасига тузуккина бир тушириб ва «яшавор, азамат!» деди.

Технологлар бўлгуси станок чертёжидаги айрим камчиликларни тузатиш ва уни янада соддалаштиришда рационализаторга яқиндан ёрдам бердилар. Станокни ҳам биргалашиб тайёрлашди. Ҳозир дасталар донгдор Сафин ихтиро қилган станокда тайёрланмоқда. Эндиликда деталнинг бу тури илгаригига нисбатан бир неча баравар тез ва сифатли ишланмоқда. Аввалларги дастак тайёрлашда фойдаланиб келинган токарлик станоги бошқа заруррроқ ва мураккаброқ деталларни тайёрлаш учун бўшатиб берилди.

Донгдор дурадгор бу билан чекланиб қолмади. У, цехлаги бошқа операцияларни ҳам такомиллаштириш, янги-янги мосламалар яратиш ҳақида ўйларди. Минула Сафин яқинда НКП-901 деталини тайёрлайдиган махсус мослама яратди. Дурадгорнинг бу янгилиги ҳам илгариги яратган янгиликлари каби коллективга жуда катта фойда келтирди.

Завод коллективи Горький автомобилсозларининг ташаббуси асосида ўз кучи билан ўзи учун уй-жой қуришни кенгайтириб юборгандан бери ёғочсозлик цехига бериладиган заказлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Дурадгорларнинг қўлиқўлига тегмай қолди. Цех коллективь илгарилари машина ва механизмларнинг ёғочдан ясаладиган айрим деталларини тайёрлаган бўлса, ҳозир кўплаб эшик ва дераза рамлари ҳамда турли хил бинокорлик деталлари тайёрламоқда. Сафин ана шу маҳсулотлар юзасидан берилаётган кети узилмас заказларнинг тез, сифатли ва арзон баҳода тайёрланиши ҳақида қайғирмоқда. У, шу йилнинг ўтган ойларининг ўзидаёқ қўл кучи ёрдами билан бажариладиган ишларни механизациялашга қаратилган 4 та таклиф киритди.

Илгарилари битта ҳам рационализатори йўқ деб ном чиқарган 9-ёғочсозлик цехини эндиликда корхонадагиларнинг ҳаммаси ҳурмат билан тилга олади. Агар сиз «Ўзбексельмаш» заводи рационализаторлик ва ихтирочилик бюросининг бошлиғи Ўртоқ Н. Фомичевдан «Корхонада энг яхши рационализатор ким?» деб сўрасангиз, у энг аввал 9-ёғочсозлик цехининг донгдор дурадгори Минула Хамидулович Сафиннинг номини айтади. Машинасозлар Улуғ байрам — Октябрнинг 40 йиллигига муносиб совға тайёрлаш иштиёқида бир жон-бир тан бўлиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Корхонадаги Минула Сафин каби жонкуяр, янгилик яратиш йўлида тинмай изланувчи ажойиб кишилар бу ҳаракатнинг байроқдори бўлаётирлар.

З. ОРИПОВ.

Ҳар бир туп ғўзанинг мўл ҳосилли бўлиб ривожланиши учун уни юқори сифатли парвариш қилайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Ғўза парвариши юзасидан июль ойида амалга оширилиши лозим бўлган агротехника тадбирлари

Областимизнинг колхозчилари, совхоз ва МТСларнинг ишчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мактубида тавсия этилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан июнь ойида бирмунча ишлар қилдилар.

Кўпчилик колхозлар, совхозлар, далачилик бригадалари ва звенолари ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминладилар, ғўзанинг дастлабки парваришини муваффақиятли ўтказдилар, далаларни бегона ўтлардан тозаладилар.

Бироқ, ғўзанинг ривожланишидаги кечикиш ҳали тамоман бартараф қилингани йўқ. Июль ойининг бошигача пахта майдонининг фақат 30 порцентида ғўза гуллай бошлади, 60 процентида эса ёппасига шоналай бошлади.

Бу рақамлар ҳатто яхши участкалардаги ўсимликнинг ривожланишига 7-10 кун, пахта майдонининг 10 процентида эса 20-25 кун кечикиш борлигини кўрсатмоқда. Ҳатто яхлит бир участкадаги ўсимликнинг ривожланишида ҳам турли хиллик борлиги сезилмоқда.

Пискент, Чиноз, Бўка, Октябрь, Ўртасарой ва бошқа айрим районлардаги бир қатор колхозларда пахта майдонлари бегона ўтлардан тозалаб олинмаган. Областнинг кўпгина колхоз ва совхозларида ғўзани яганалаш ҳанузгача тамомланмаган. Бу ўсимликнинг ғовлаб кетишига ва тупроқдаги фойдали озуқа моддаларнинг йўқотилишига олиб келмоқда.

Ғўза парвариши соҳасидаги жиддий камчиликлардан бири ғўзани шоналаш даврида суғоришни асоссиз равишда чўзиб юборилаётганлигидир. Шунинг учун ҳам Сирдарё, Мирзачўл, Гулистон районларидаги шўрхок ерларда, Чиноз, Октябрь, Янгийўл, Оққўрғон, Бўка ва Пискент районларининг колхозларида айниқса оғир аҳвол юз берди.

Юз берган аҳвол июль ойида ғўза парвариши юзасидан олиб бориладиган ишларнинг суръатини ва сифатини кучайтиришни талаб қилади.

Ҳар бир пахтакор июль ойи ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини билади. Бу даврда ҳосил етилади ва шу билан бир қаторда унинг асосий қисми шаклланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил 28 июндаги қарорида кўрсатилганидек биринчи августгача ҳар бир туп ғўзада камида 6-7 тадан етилган кўсак ҳосил қилиш зарур.

Июль ва август ойларида амалга ошириладиган тадбирлар ва тугунчаларнинг сақлаб қолиниши ва уларнинг тўкилишига йўл қўймаслик каби асосий мақсадга бўйсиндирилиши лозим.

Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилиниши тупроқ шароити ва ғўзанинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилишига боғлиқдир.

ҒЎЗА ТУПЛАРИ НОРМАЛ ҚАЛИНЛИКДА БЎЛСИН ВА У ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛИНСИН

Ғўзани ягана қилиш ва қўл билан букетлаш даврида кўпчилик ҳолларда уяларда белгиланганидан бирмунча ортиқ ўсимлик туплари қолдирилган эди. Фан ва илғорларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир уяда 2-3 тупдан ортиқ ўсимлик қолдирилиши ҳосилнинг сўзсиз камайишига олиб келади.

Шунинг учун яқин 2-3 кун ичида ҳар бир эгатни бирма-бир текшириб чиқиш ва ортиқча ўсимлик тупларини юлиб ташлаш лозим. Буни алоҳида иш сифатида, чопиқ ва ўтоқдан ажратган ҳолда ўтказиш керак.

Шунингдек ғўзани суғориш, культивация қилиш ва чопиш вақтида ўсимлик тупларининг нобуд қилинмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим. Культиваторлардаги иш органларининг тўғри жойлаштирилиши устидан доимо назорат олиб бориш, узунасига ва кўндалангига биринчи марта культивация қилинган вақтда трактор юрган изнинг ўзгартирилишига, трактор қайтганда карта бошида ҳосил бўлган полоса энининг кенгайишига йўл қўймаслик ҳамда тракторлар тормоз системасининг ғизатилган бўлиши устидан муттасил назорат олиб бориш керак. Яқин кунлар ичида барча тракторларга тўсқичлар ўрнатиш зарур.

СУҒОРИШ ВА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ

Ҳозир ғўзанинг ривожланишида гуллаш ва ҳосилга кириш каби энг масъулиятли давр бошланди. Бу даврда ўсимлик сувни кўп талаб қилади. Намнинг етишмаслиги, озуқа моддаларидан тўла баҳраманд бўлмаслик ва бинобарин ўсимлик ривожининг секинлашишига, натижада кўп миқдордаги ҳосил элементларининг тўкилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам июль ва август ойларида ғўзанинг талабига қараб кеча-кундуз суғориб туриш керак.

Кўпчилик колхоз ва совхозларда вегетация даврида биринчи суғориш ортиқ даражада чўзиб юборилди ва иккинчи суғориш бирмунча кечикиб ўтказилмоқда. Йўл қўйилган хатони тузатиш ва барча майдонлардаги ғўзаларни нормал суғоришни ташкил қилиш лозим.

Ғўзани суғориш вақтида ҳар бир участка ёки картадаги ўсимликнинг аҳволини ҳисобга олиш керак.

Ер ости сувлари чуқур жойлашган, сув билан яхши таъминланган жойларда ғўза нормал ривожланаётган тақдирда июль ва август ойлари ичида ҳар гектар ерда 4-5 марта суғориш ўтказилиши, бунда ҳаргал 900—1000 кубометр сув ишлатилиши керак.

Ер ости сувлари 1-2 метр чуқурликда жойлашган ўтлоқ ерларда ғўзани юқоридаги норма билан 3-4 марта, ер ости сувлари юзароқ жойлашган ерларда эса ҳар гектар ерга 800-900 кубометр сув сарфлаб 2-3 марта суғориш билан чегараланиш мумкин.

Суғоришни ўтказганда ғўзанинг ташқи кўринишидаги сувга бўлган талабни, жумладан ўсимликда гулнинг жойланишини ҳисобга слиш зарур.

Областдаги пахта майдонларининг талайгина қисми Тошкент ва Шимолий Тошкент каналлари зонасида жойлашган. Бу ерларнинг рельефи паст-баландликдан иборат бўлиб, июль ва август ойларида сув камчиллиги сезилади. Ҳосилнинг кўп нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун ана шу ерларда суғоришни тезлаштириш, ҳар гектар ерга сарфланадиган сув нормасини ошириш ва тупроқни ўз вақтида ҳамда юқори сифатли ишлаш йўли билан унда намни ҳар тарафлама сақлаб қолиш учун курашиш керак.

Мирзачўлнинг шўрхок ерларида бу йил ўсимлик шўрдан қаттиқ зарарланмоқда. Шўрнинг таъсирини камайтириш мақсадида навбатдаги суғоришни тезроқ тамомлаш ва бундан сўнг ҳам суғориш ишларини ўз вақтида ўтказиш талаб қилинади. Шу билан бир қаторда зовур тармоқларини доимо нормал ҳолда сақлаш ва ер ости сувларининг оқиб чиқиб кетиб туришини таъминлаш лозим.

Суғоришнинг сифати ғўзанинг нормал ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Рельефи текис бўлган барча ерларда июль ва август ойларида суғоришни қанот ўрнатилган акучниклар билан чуқур қилиб олинган эгатлар орқали ўтказиш лозим. Бу, ғўзанинг сувдан ва ҳаводан жуда яхши баҳраманд бўлиб ривожланишига ва ҳосил элементларининг тўкилишини бирмунча камайтиришга имкон беради.

Ортиқча нишоб бўлган далаларда суғориш саёз олинган эгатлар орқали ўтказилиши зарур.

Суғориш билан ғўза парваришини бир-бирига боғлаб ўтказиш мақсадида бир йўла 10-12 гектарли пайкалларни суғориш мақсадга мувофиқдир.

Июль ойи ичида, суғоришнинг сонига қараб, эканни икки марта узунасига ва камида бир ярим марта кўндалангига культивация, бир марта чопиқ ва ўтоқ қилиш зарур.

Ҳозир трактор ва от культивациясини сифатли қилиб ўтказиш ҳосил элементлари тўплаш ва уни сақлаб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ғўза ҳамма жойда гуллай бошлади. Ғўза томирининг зарарланишига йўл қўймаслик учун ҳозирги даврда узунасига қилинадиган культивацияни эгат четида 12-15 сантиметр жой ташлаган ҳолда ўтказиш ва культиваторнинг иш органларини чуқурлиги жиҳатидан дифференциялаб жойлаштирилишини таъминлаш лозим. Унинг четки органлари ерга 8-10, ўртадаги органлари эса 14-16 сантиметр ботадиган қилиб ўрнатилсин. Қатор йиллар давомида ўтказилган махсус тажрибалар шуни кўрсатдики, культиваторнинг иш органлари юқоридаги шаклда ўрнатилиб культивация қилинганида пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига 3-5 центнер ошди.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг сифатини яхшилаш ва суғоришдан кейин ернинг намини яхшироқ сақлаб қолиш мақсадида йириклаштирилган карталарнинг тез қуриб қоладиган қисмида эгатларни текислаб юбориш керак. Бунинг учун трактор культивациясидан олдин кенг ҳажмда от культивацияси ўтказишни қўлланиш талаб қилинади.

ҒЎЗАНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Ғўза гуллаётган ва ҳосилга кираётган даврда тупроқдаги озуқа моддаларини максимал равишда ўзига ола бошлайди. Бу даврда озиқлантиришни тўғри режим билан олиб бориш қўракларнинг кўпроқ ҳосил бўлишига ва ўсимликнинг ривожланиш процессини тезлаштиришга имкон беради.

Ғўза нормал ривожланган участкаларда озиқлантиришни яхшиси ғўза гуллай бошлаган даврда ўтказиш керак. Бу тугунчалар ва шоналарнинг тўкилишини бирмунча камайтиради.

Чигит экиш эрта ва нормал муддатларда ўтказилган, лекин ғўзанинг ўсишида ва ривожланишида кечикиш аниқланаётган участкаларда июль ойи ичида экинни икки марта озиқлантириш, биринчи озиқлантиришни шу кунларда, иккинчисини эса ойнинг охирида ўтказиш лозим. Озиқлантириш суғориш, культивация ва чопиқ билан мувофиқлаштириб олиб борилиши керак.

Чигит кечикиб экилган ёки қайта экилган участкаларда экин ҳосил етилгунча, қолган вақт ичида шоналаш даврида бир марта ва гуллаш даврида иккинчи марта озиқлантириш лозим. Бу календарь муддат бўйича июлнинг учинчи декадаси ёки августнинг биринчи декадасига тўғри келиши мумкин.

Ғўза потекис ривожланаётган майдонларда, асосий озиқлантиришдан ташқари, алоҳида қаторларни, ҳатто айрим ўсимлик тупларини қўшимча равишда танлаб олиб озиқлантириш зарур.

Қоидага мувофиқ июль ойида ғўзага бериладиган озуқа минерал ва органик ўғитлар аралашмасидан иборат бўлади. Ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерлардаги, ҳайдалган бедапоялардаги, шунингдек ориқ ерлардаги ғўзаларга солинадиган ўғит аралашмасида азотга нисбатан фосфорнинг миқдори кўпроқ бўлиши шарт. Бўз тупроқли ва ғўзаси кучсиз ривожланган участкаларга солинадиган ўғит аралашмасида эса фосфорга нисбатан азотнинг миқдори кўпроқ бўлиши керак.

Бироқ, ўғит аралашмасидаги азотнинг нормаси гектар бошига 40-50 килограммдан ёки селитрага айлантириб ҳисоблаганда 120-150 килограммдан ошмаслиги шарт. Ғўза гуллаётган ва ҳосилга кираётган даврда уни углерод билан озиқлантиришни яхшилаш мақсадида гектар бошига 4-7 тонна миқдорида ярим чиринган ғўнг солишни кенг қўлланиш тавсия қилинади. Уни эгат орасига солиш ва сўнг эса культиватор ёки кетмон билан тупроққа аралаштириб юбориш керак.

Бу йилги шароитда ғўзани барги орқали озиқлантириш катта аҳамиятга эгадир. Ғўзани барги орқали фосфор билан озиқлантириш ҳосил органларининг яхши баҳраманд бўлишига, тугунчаларнинг тўкилишини камайтиришга, ғўзанинг ривожланишини ва ҳосилнинг етилишини тезлаштиришга, қўракларнинг йириклашишига имкон беради.

Ғўза ҳосилга кираётган вақтда уни барги орқали озиқлантириш пахта ҳосилини оширади.

Ғўзани барги орқали фосфор билан озиқлантириш дифференциялаштириб ўтказилиши, бунда тупроқ ва агротехника шароитлари ҳамда ўсимликнинг ҳосилга кириш давридаги аҳволи ҳисобга олиниши лозим.

Ғўзани барги орқали озиқлантириш июль ва август ойида, гуллаш ва ҳосилга кириш даврида пуркаш йўли билан ўтказилиши керак. Бунинг учун цементланган чуқурларда ёки катта ҳажмдаги цистерналарда суперфосфат настойкаси тайёрланади.

Авиация ёрдами билан ғўзани барги орқали пуркаб озиқлантирилганда ҳар бир гектар ерга ҳар сафар 25-30 килограмм суперфосфат ва 100-120 литр сув сарфланади. Ерда ишлатиладиган аппаратлар (ОДН, ОУН ва ранцевой пуркагичлар) билан пуркаш учун ҳар бир гектар ерга ҳар сафар 40-50 килограмм суперфосфат ва 300-400 литр сув сарфланади.

Агар ғўзага ўргумчак кана тушганлиги аниқланса суперфосфат настойкасига ҳар гектар ер ҳисобига 300-400 килограмм ҳисобидан меркаптофос қўшиш тавсия қилинади.

Ғўза ҳосилга кириш даврида орадан 20-30 кун ўтказиб уни 2-3 марта барги орқали озиқлантириш зарур. Ғўзани барги орқали озиқлантиришни эрталабки соатларда (эрталаб соат 10 гача) ва куннинг иккинчи ярмида (соат 4 дан 5 гача) ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

ҒЎЗАСИ ҚОЛОҚ ВА СИЙРАК УЧАСТКАЛАРДА БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АСОСИЙ ИШЛАР

Областнинг колхоз ва совхозларида ғўзаси нормал ривожланаётган майдонлар билан бир қаторда, экиннинг бўйи ўсиб кетган ва томири нормал ривожланмаган каттагина майдонлар ҳам мавжуд. Айрим участкалардаги ғўзалар турли сабабларга кўра ривожланмай қолди ва у эндигина шоналаш фазасига кира бошлади. Пахта майдонининг бир қисмида ғўза туплари жуда сийрак бўлиб қолди. Ана шундай майдонларнинг ҳаммаси аниқлаб чиқилиши ва унда алоҳида ишларни амалга ошириш лозимлиги ҳисобга олиб қўйилиши керак. Бу ерлардан ҳам нормал ҳосил олиш учун қўшимча тадбирлар кўриш зарур.

Ривожланиш жиҳатидан орқада қолган ва ғўзаси сийрак участкаларни июль ойи ичида 2-3 марта ях шилаб суғориш, бу ишни экинга юқори сифатли ишлов бериш ва камида икки марта озиқлантириш билан боғлаган ҳолда ўтказиш лозим.

Қолоқ участкалардаги барча ғўзаларни гектар бошига 6-7 тонна органик ўғит солиб қўшимча равишда икки марта озиқлантириш керак.

ҒЎЗАНИ ЧЕКАНКА ҚИЛИШ

Ғўзани чеканка қилиш қўшимча ҳосил тўплаш ва кўракларнинг тез етилишини таъминловчи муҳим агротехника усули ҳисобланади.

Чеканка қилиш йўли билан кўпчилик қисми ҳосил органларининг шаклланиши ва сақлаб қолинишига кетадиган ўсимликдаги озуқа моддаларининг қайта тақсимланишига эришилади.

Ғўза ривожланишдан кейинда қолаётган ҳамда туплар сийрак бўлган бу йилги шароитда чеканкани ўтказиш тўғрисида амалда бўлиб келган тавсияларни ҳам бирмунча ўзгартиришга тўғри келади. Бу йил 1 июлгача тўла гуллашга кирган ғўзаларда 1 августгача 15-16 тадан ҳосил шохи бўлади. Демак, ғўзани 20 июлдан 1 августгача чеканка қилишни тавсия этиш мумкин. Ғўза июлнинг биринчи ўн кунлигида гуллай бошлаган ерларда чеканкани 25 июлдан 5 августгача ўтказиш керак. Бундай ғўза чеканкалаш пайтигача 14-15 ҳосил шохи чиқарган бўлади. Ривожланишдан кўпроқ кечиккан ғўза 12-13 ҳосил шохи чиқаради. Бундай ғўзани 5-10 август ўрталаларида чеканкалаш керак.

Ҳар бир далада ғўзанинг бир текида ривожланмаётганлиги учун чеканкани икки муддатда ўтказиш, биринчи навбатда нормал ривожланган ғўзани, иккинчи навбатда қолоқ ғўзаларни чеканкалаш керак.

Баъзи районларда, қисман, Оққўрғон, Бўка ва Пискент районининг айрим жойларида июль ойида сув танқислиги рўй бериб, суғоришнинг вақтида ўтказилмай қолиши туфайли кўп шона, гул ва тугунчаларнинг тўкилиш эҳтимоли бор. Шунинг учун бу жойларда чеканкани 20-25 июлда, яъни ғўза 10-12 ҳосил шохи чиқарганда ўтказиш талаб қилинади.

Чеканкалашда ғўзанинг ёнга ўсувчи шохларининг учи 5-6 кун илгари юлиб ташланганда чеканкалашнинг таъсири яхши бўлади. Ўтлоқ ботқоқли тупроқли ерларда ғўза ғовлаб ўсиб кўсакларни кам тукканлиги учун одатдаги чеканка яхши натижа бермайди. Шунинг учун бу йилларда ғўзанинг шохларини бутаб қисқартириш тавсия этилади. Тажриба шуни кўрсатдики, бундай ерларда ғўза шох ва поялари бутаб қисқартирилса, кўсакларнинг вазни ортиб, ҳосил 10-20 процент кўпаяди.

Ғўза қуйидагича буталадн, яъни 20 августдан 10 сентябргача бўлган даврда поя ҳамда ўсувчи ва ҳосил шохларининг уч томони то биринчи гулгача кесиб ташланади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Май-июнь ойларида зараркунандаларга қарши курашда колхоз, совхозларда кўпгина камчиликларга йўл қўйилди. Зараркунандалар кўплаб тарқалган майдонларда дорилаш ишлари ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун ҳашаротларни тамомила йўқотиш мумкин бўлмади. Ўргимчакканинг июль ойида ҳам кўплаб тарқалиши мумкин. Бундан ташқари шу даврда шира, кўк қурт ва қарадринларнинг ҳам тарқалиши учун имконият бор. Ҳосилни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан сақлаб қолиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Зараркунандалар пайдо бўлган майдонларни ўз вақтида аниқлаб, уларни йўқотиш учун тезда чора кўриш зарур. Бунинг учун колхоз, совхоз ва МТСлар кадрларга ҳам, етарлик материал-техника воситаларига ҳам эгадирлар.

Ғўзанинг асосий душмани ўргимчакканадир. Унга қарши биринчи навбатда 1 градусли оҳак-олтингугурт қайнатмаси пуркаш ва бунда барча трактор, от ва дастаки аппаратларни ишга солиш керак. Зарур бўлиб қолган ҳолларда самолётлар орқали пахта далаларига оҳак ва олтин гугурт кукунларини чанглаш лозим. Бунда ҳар гектар ерга 30 килограмм олтингугурт ва 10 килограмм оҳак сарфланади.

Агар пахта далаларига ҳам ўргимчаккана, ҳам шира тушган бўлса, бу ҳолда оҳак-олтингугурт қайнатмасига анабазин сульфат ҳам қўшилади. Айни ҳолда оҳак-олтингугурт қайнатмасининг далага пуркаладиган суюқ эритмасининг ҳар литрига 1 граммдан анабазин сульфат қўшилади. Агар дори самолёт орқали чангланадиган бўлса, 100 килограмм олтингугурт аралашмасига 4 килограмм анабазин сульфат қўшилади.

Кўк қурт тушган далаларга олтингугурт аралаштирилган ДДТ ишлатилади. Бунда ҳар гектар ерга 15 килограммдан ДДТ ва олтингугурт сарфланади.

Ҳашаротни қириш ишларини кучайтириш учун ҳар бир колхозда зараркунандаларга қарши курашадиган махсус отрядлар ташкил этиб, бу ишга бевосита колхоз агрономини бошлиқ қилиб қўйиш зарур. Бу мақсадда тракторчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш талаб этилади.

Июль ойида амалга ошириладиган бу тадбирлар ҳар бир далаларнинг шароити ҳисобга олиниб, табақалаштирилган ҳолда қўлланилгандагина мақсаддаги натижага эришиш мумкин.

Ҳар бир колхоз, совхоз, далачилик бригадаси ва МТСда агротехник ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун пухта ишлаб чиқилган план бўлиши керак. Планда ҳар бир конкрет участкада нима ишлар қилиниши кўрсатилган бўлиши лозим, токи бу участкаларда ҳар туп ғўзада зарур миқдорда кўсак тўпланиши, ҳосилнинг сақланиб қолиниши ва эрта етилиши таъминлансин. Айни ҳолда колхоз, совхоз ва МТСларнинг агрономия ходимлари алоҳида роль ўйнамоқлари лозим. Агрономлар колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришнинг чинакам ташкилотчиси эканликларини кўрсатсинлар.

Июль ва август ойларида амалга ошириладиган агротехника тадбирлари ҳосил тўплаш учун яхши шароит туғдиришни, тугун ва кўсакларнинг жуда кам тўкилишини таъмин этсин. Чунки ҳосил тўпланиши, тугун ва кўсакларнинг сақланиб қолиши ҳосилни оширишимизнинг ҳамда Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги муносабати билан олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажаришимизнинг асосий резервидир.

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БОШҚАРМАСИ.

Социалистик мажбуриятни бажариш учун июлда астойдил ишлаш керак

Ҳар бир районда ҳам илғор колхозлар бўлиши билан биргаликда, ишни яхши ташкил қилмаган қолоқ колхозлар ҳам бўлади. Илғор колхозлар ҳақида гап борганда: улар ишни яхши ташкил қилганлар, ғўза парваришига қишлоқдаги катталан-кичик қатнашмоқда, суғориш кечаю-кундуз ўтказилаётир, механизаторлар ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қиладилар, деб таърифланади.

Верхне-Волинск районидаги Карл Маркс номли колхоз ҳам ана шундай таърифларга муносиб хўжалик. Колхоз аъзолари бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ғўзанинг ўсиш ва ривожланишида рўй берган кечикишни бартараф қилиш учун июнь ойи давомида ва июль ойининг биринчи кунларидан бошлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун колхоз ғўзалари бошқа хўжаликлардаги ғўзага қараганда анча яхши, шонаси кўп, текис гуллаган.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодирқул Султонов билан суҳбатлашиб, ундан колхоз июль ойи давомида ғўза парваришни соҳасида қандай ишлар қилади, деб сўрадик. У бундай деди:

— Пахтакорларимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу, кўриб турибсиз, катта мажбурият. Сўзимизнинг устидан чиқиш учун экишни сифатли ўтказишга, барча майдонларда чигитни тўла ундириб олишга ҳаракат қилдик, бу соҳадаги табиий қийинчиликларни матонат билан енгдик. Шундай бўлса ҳам июнь ойи давомида ғўзамизни кўнгилдагидек ривожлантира олмадик. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ана шу қолоқликни бартараф қилиш учун июлда ғўзаларни айниқса юқори сифатли парвариш қилиш зарурлигини айтди ва бу фикр ҳар бир колхозчига, ҳар бир механизаторга етказилди. Биз июль ойи давомида ғўзаларимизни икки марта, айрим жойларда уч марта комплекс парвариш қиламиз. Шу ой давомида экинни бир ярим марта озиқлантирамиз. Суғоришга келганда, бу ишни ер шароитига қараб табақалаб ўтказамиз. Ана шундай қилиб, июль ойида ҳар бир туп ғўзада 7-8 тадан тўқ кўсак бўлишига эришамиз.

Районда ишни шу хилда ташкил қилган, белгиланган тадбирларни ўз вақтида, тўла амалга ошираётган колхозлар кўп. «Қизил Октябрь», Куйбишев номли колхозлар шулар жумласига киради. Бу колхозларда ҳам ривожланишдан ва ўсишдан бирмунча кечиккан ғўзалар алоҳида парвариш қилиниб, қўшимча озиқлантирилиб, уларни яхши ғўзаларга етказиб олиш ҳаракати кучайтирилган.

Лекин районда шундай колхозлар ҳам борки, ҳали уларнинг кўпгина ерларидаги ғўзаси ёмон ривожланаётган, ўсишдан қолаётган бўлса ҳам, бу хўжаликларнинг раҳбарлари ташвишланмаётирлар, ички имкониятдан тўла фойдаланмайдилар. Техникани, барча кучни ана шу ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилишга сафарбар этмайдилар.

Шу йилнинг кўкламида янгидан ташкил этилган «Социализм» совхози (директори Пўлатов, партия ташкилотининг секретари Тўрабеков ўртоқлар) июнь ойида ғўзани икки марта комплекс парвариш қилишни мўлжаллаган эди. Лекин бу мўлжал бажарилмади. Натижада кўп майдонлардаги ғўза ҳамон ўсишдан ва ривожланишдан қолмоқда. Шунга қарамай, айрим бўлимларда иш мутлақо сифатсиз бажарилмоқда. Чопиқ, культивация ўтказилгандан кейин орадан 2-3 кун ўтмай, ғўза қаторларини яна ўт босиб кетмоқда.

Баъзибир бўлимларда, айниқса ўртоқ Минтоев бошқарувчи бўлган бўлимда меҳнат ёмон ташкил қилинганлиги туфайли кунлик топшириқ ва беш кунлик график сурункасига бажарилмайди. Хўжаев, Мун ўртоқлар бошлиқ бўлимларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

«Гулистон» совхозининг ўртоқ Каттабеков бошқарувчи бўлган бўлимида, Шверник номли, Свердлов номли колхозларнинг кўпгина бригадаларида ғўза чопиги ва культивация жуда сифатсиз ўтказилмоқда. Свердлов номли колхозда тунги суғориш устидан пухта контроллик ўрнатилмаганлиги сабабли айрим сувчилар кечалари сувни тараб қўйиб кетиб қолмоқдалар. Натижада кўпгина майдондаги ғўзаларни сув босиб, экин нобуд бўлмоқда. Норбоев, Худойқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза бостириб суғорилаётгани учун шу вақтгача қилинган меҳнатнинг бир қисми бекорга кетаётир. Чунки бостириб суғорилган ғўзалар ўз вақтида юмшатилмай, бир хато устига иккинчи хатога йўл қўйилмоқда, шу туфайли ғўза шоналарини тўкиб юборяпти.

Верхне-Волинск районида сув етарли. Агар ана шу сувдан мақсадга мувофиқ кеча ва кундуз тўғри фойдаланилса, мўлжалдаги ғўзани ўз вақтида суғориб олиш мумкин. Аммо сув нобудгарчилигига йўл қўйилаётганлиги, яъни сувнинг кўчаларга, зовурларга тошиб ётганлиги натижасида район колхозлари ва совхозлари белгиланган нормадаги ғўзани суғора олмаётирлар.

Верхне-волинск район колхозлари ва совхозлари июль ойида ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирсаларгина, олинган социалистик мажбуриятни тўла бажара оладилар.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Моҳир универсалчи

Бўка районидаги 1-МТСнинг «Ленинобод» колхозида хизмат қилаётган универсалчи ўртоқ Саттор Йўлдошев механизаторлар орасида катта обрў қозонган.

У ҳозиргача 545 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилди. Уста механизатор Йўлдошев вақтни тежаб ишлаши ва агрегатни узлуксиз техника кўригидан ўтказиб туриши натижасида ҳар куни 12-14 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилаётир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб ҳалол меҳнат қилаётган моҳир механизатор пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштириш учун олиб бораётган курашига муносиб ҳисса қўшиб, мўл ҳосил тўплашга эришмоқда.

Колхоз аъзолари моҳир механизатор — ўртоқ С. Йўлдошевдан ғоят миннатдорлар.

Р. ҚУРБОНҚУЛОВ.

Область колхозларида ғўза парваришининг бориши тўғрисида 1957 йил 5 июлгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Узунасига культивация		Кўндалангига культивация		Чопиқ		Суғориш		Озиқлантириш
	Учинчи	Биринчи	Иккинчи	Учинчи	Иккинчи	Учинчи	Иккинчи	Учинчи	
Оққўрғон	135	94,7	75,1	35,6	66	7,9	1,4	—	139.8
Боёвут	179,8	53,3	26,6	—	88	18,6	31,6	—	190,0
Бекобод	220,4	77,5	54,1	10,2	95,1	31,7	84	19,4	168,1
Бўстонлиқ	119,2	29,8	—	—	96,9	36,1	83,2	15,3	108,7
Бўка	143,5	82,4	61,4	18,6	83,3	51,7	45,7	2,2	146,7
Верхне-волинск	145,7	79,7	73,7	41,4	100	63,4	40,5	—	191,5
Юқори Чирчиқ	154,8	44,2	28,5	6,6	98,0	103,1	85,7	20,3	136,4
Гулистон	161,7	70,0	45,8	1,5	98	60,2	83,0	10,0	185,5
Калинин	139,7	3,2	3,2	3,2	92,1	38,5	39,3	—	122,6
Мирзачўл	153,5	30,7	9,4	0,1	100,0	112,4	80,3	18,0	200.8
Октябрь	82,9	52,7	31,0	8,5	76,6	27,7	37,3	3,8	124,5
Орджоникидзе	154,1	48,7	8,5	—	96,7	61,7	32,4	2,0	280.9
Пискент	126,9	99,0	83.9	68,5	89,1	46,6	75,1	15,5	168,3
Ўрта Чирчиқ	156,3	85,5	69,9	35,4	97,8	66,0	37,7	—	198,7
Сирдарё	184,0	65,5	51,1	34,5	96,7	65,8	59,3	6,0	182,1
Ўртасарой	140.0	95,2	94,8	48,1	97,1	45,3	58,4	6,6	153,3
Чиноз	175,9	81,5	67,3	16,2	89,0	34,0	45,2	16,1	192,5
Янгийўл	130,3	53,8	33,0	6,1	96,9	51,4	11,6	—	176,2

Кореядаги яраш тўғрисидаги битим шартлари Америка Қўшма Штатлари томонидан бузилганлиги муносабати билан СССР ҳукуматининг баёноти

Тинчликсевар халқларнинг куч ва ғайрат сарфлаши натижасида 1953 йилда Кореядаги уруш тўхтатилган ва яраш битими тузилган эди, бу эса фақат Узоқ Шарқдагина эмас, шу билан бирга бутун дунёда ҳам халқаро кескинликни юмшатиш ишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилган эди. Кореяда яраш битими имзоланиши билан Узоқ Шарқдаги урушнинг хатарли ўчоғи тугатилган ва Корея масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш перспективалари очилган эди.

Яраш битимида шу битим қатнашчиларининг Кореяда тинчликни сақлашга доир мажбуриятлари баён қилинган эди. Шу битимга мувофиқ, томонлар Кореяга мадад келтиришни, шу жумладан ҳар хил янги қурол-яроғлар келтиришни тўхтатишлари лозим эди. Шу шартларга риоя қилиниши устидан контролликни таъминлаш учун яраш битимининг амалга оширилишини кузатиб турувчи Бетараф мамлакатлар комиссияси тузилган эди ва бу комиссияга Кореяда тинчликни сақлаш ишида муҳим вазифалар юкланган эди.

Ҳаммага маълумки, Корея—Хитой томони Кореядаги яраш битимини мустаҳкам сулҳга айлантиришга ва Кореяни тинч йўл билан бирлаштирмоқ учун шароит вужудга келтиришга интилиб, яраш тўғрисидаги битим шартларига изчиллик билан ва қаттиқ риоя қилиб келди ҳамда риоя қилмоқда ва яраш тўғрисидаги битимни бажариш вақтида пайдо бўлиб қолган масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф қилишга муттасил интилиб келди. Шу муносабат билан Корея Халқ Демократик Республикаси қўшинларининг сони 1956 йилда камайтирилганлигини, шунингдек Хитой халқ кўнгилларининг бир қанча қўшилмалари Корея Халқ Демократик Республикасидан олиб чиқиб кетилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Америка ҳарбий маъмурлари Кореяда яраш битими бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришга бошқача муносабатда бўлиб келдилар ва улар Кореяда яраш битимига путур етказиш сиёсатини систематик равишда ўтказиб келмоқдалар. Маълумки, ўтган йил Америка томони ўзи битимни бузаётганлигини халқаро контролдан яширишга интилиб, яраш битимига риоя қилинишини кузатувчи Бетараф мамлакатлар комиссиясининг Жанубий Кореяда иш олиб боришини ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйди ва бу соҳада Корея—Хитой томонидан қилинган қонуний норозиликларни қўпориш билан эътиборсиз қолдирди.

Равшандирки, яраш тўғрисидаги битимни ошкора бузишдан иборат бўлган бу ҳаракатлар Кореядаги вазиятни яхшилашга асло ёрдам бергани йўқ. Шу йил 21 июнда Кореядаги Америка қўмондонлиги яраш бўйича ҳарбий комиссиядаги ўз вакили орқали хабар қилиб, яраш тўғрисидаги битимнинг 2-моддаси 13-параграфидаги «Д» бандида юклатилган мажбуриятлардан ўзини дархон ҳисоблаганлигини айтганидан кейин, аҳвол тагин ҳам мураккаблашди. Мазкур моддада Кореяга янги қурол-яроғ келтириш тақиқлаб қўйилган эди.

Шу билан бир вақтда АҚШ мудофаа министрлиги Жанубий Кореяга Америкадан дарҳол «замонавий қурол-яроғлар», шу жумладан атом қуроли таъсирида ишлайдиган бомбардировкачи ва қирувчи самолётлар, шунингдек танклар ва бошқа қурол-яроғлар юбориш тўғрисидаги қарор қабул этилганлигини эълон қилди. АҚШ мудофаа министрлигининг вакили, Жанубий Кореядаги Америка дивизиялари атом қуроли билан қуроллантирилади, деб ҳам айтди.

Яраш тўғрисидаги битимнинг Кореяга қурол-яроғлар киритишни тақиқлашга таллуқли энг муҳим моддасига риоя қилишдан АҚШнинг воз кечганлиги Америка ҳукмрон доираларининг мақсадлари Узоқ Шарқда халқаро кескинликнинг юмшашига халақит беришдан, бу районда Америка атом бўлинмаларини барпо қилиш планини амалга оширишдан иборат эканлигини тагин ҳам очиқ кўрсатиб берадики, мана шунинг ўзи ҳам вазиятни мураккаблаштиради ва шу тарақа Узоқ Шарқда тинчликни сақлаб туриш ишига бўлган хавфни кучайтиради.

Мазкур Америка доиралари Кореядаги кескинликни давом этдириб, Жанубий Корея режимининг агрессив ва уруш олови ёқувчи ниятларига таяниб, АҚШнинг ҳарбий қуролли кучлари томонидан Жанубий Кореяни оккупация қилиб туришни давом этдиришга ва шу тарақа Корея Халқ Демократик Республикасини доимий агрессия хавфи остида сақлаб туришга интилмоқдалар.

Кореяда яраш тўғрисидаги битимда очиқ ва равшан қилиб ёзилган ўзининг халқаро мажбуриятларига риоя қилишдан воз кечганлигини Америка томони, Корея-Хитой томони яраш тўғрисидаги битимни бузаётир деган даъво билан ниқоблашга уринмоқда, ваҳоланки фактлар бу даъвонинг пучлигини кўрсатиб турибди.

Агар Корея-Хитой томони ҳам Шимолий Кореяга қурол-яроғларнинг янги турларини, шу жумладан, масалан, энг янги қуролларни таший оладиган самолётларни келтира бошласа ва ўз армиясини шу қурол билан қуроллантира бошласа, бундай аҳвол қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин гап эмас. Ҳеч шубҳасиз, бунинг натижасида жуда хатарли оқибатлар келтириб чиқарадиган вазият вужудга келган бўлур эди.

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Америка қуролли кучларининг яраш битимини бузишга қаратилган қонунсиз ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирдилар, АҚШдан Кореяда яраш тўғрисидаги битим шартларига қаттиқ риоя қилишни талаб этдилар ва Кореяда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ҳамда Корея масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида барча манфаатдор давлатларнинг иштироки билан тегишли халқаро конференция чақиришни таклиф қилдилар.

Совет ҳукумати шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотларида айтилган гапларни Совет ҳукумати тўла равишда қўллаб-қувватлайди.

Америка қуролли кучларининг Кореядаги яраша путур етказишга ва Жанубий Кореяни АҚШнинг Узоқ Шарқдаги атом базаларидан бирига айлантиришга қаратилган ва иғвогарликдан иборат бўлган бу ҳаракатлари халқларнинг давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга, Осиёда ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган умумий интилишларига бутунлай хилоф ҳаракатлардир. Совет ҳукумати Америка томонининг Кореядаги яраш битимини бузаётган қонунсиз ҳаракатларига эътиборни жалб қилиб, шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, бу ҳаракатларнинг оқибатлари учун жавобгарлик батамом Америка Қўшма Штатлари устига тушади.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий советининг баёноти

...Ядро қуроли синовлари, зўр бериб қуролланиш давом этдирилаётганлиги, термоядро қуроли тобора кўпроқ миқдорда тўпланиб, қирғин атом уруши хавфини туғдираётганлиги жаҳоннинг бошқа мамлакатларида бўлган меҳнаткашларни ҳаяжонга солаётганидек, Совет Иттифоқи меҳнаткашларини ҳам ҳаяжонга солмоқда.

Зўр бериб қуролланиш меҳнаткашлар учун ҳаётий оғир юкдир, давлатлар ўртасида ишончсизлик ва гумонсираш ҳисларини туғдиради, эртаги кунга ишончсизликни кўпайтиради.

Меҳнаткашларга, ишчиларга ва хизматчиларга, меҳнаткаш зиёлиларга — миллион-миллион меҳнаткашларга уруш керак эмас. Улар ҳатто уруш тўғрисидаги фикрдан ҳам нафратланадилар, чунки уруш одамлар бошига сонсиз-саноқсиз офатлар ва кулфатлар келтиради. Меҳнаткашлар қуролсизланиш проблемасини кечиктирмай ҳал қилишни ва инсониятни атом уруши хавфидан қутқаришни қатъий талаб қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, совет касаба союзларининг миллион-миллион аъзолари ҳозирги пайтнинг бутун масъулиятини чуқур англаб, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида буюк давлатлар ўртасида дарҳол битимга келишни талаб қиладилар. Улар Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Коломбодаги сессияси чиқарган қарорларни жон-диллари билан маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар, бу қарорларда умумхалқнинг: «Атом урушига йўл берилмасин» деган талаби бутун дунёга эшитилярлик бўлиб янгради.

Совет касаба союзлари Совет ҳукуматининг қуролсизланишга, яъни қирғин қуролини батамом тақиқлашга қаратилган изчил сиёсатини кизғин маъқуллайдилар. Яқинда Совет Иттифоқи ядро қуроли бўлган буюк давлатлар ўртасида битим тузиш, ядро қуроли синовларини 2-3 йилгача тўхтатиб туриш тўғрисида битим тузиш ва бу битимнинг бажарилиши устидан тегишли контроль ўрнатиш кераклигини таклиф қилиб ташаббус кўрсатди.

Маълумки, АҚШ ва Англия ҳукуматлари совет таклифларини қабул қилишдан бош тортмоқдалар, атом ва водород бомбаларини портлатиш синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келиш йўлига янгидан-янги ғовлар қўймоқдалар ва бундай битим тузишни мумкин бўлмайдиган иш қилишга уринмоқдалар. Аҳволнинг жиддийлиги жуда ошиғич чоралар кўришни талаб қилади.

Атом уруши хавфининг олдини олиш масаласи фақат ҳукуматлар бажариши лозим бўлган ишгина эмас. Бунга ҳамма халқлар ҳам астойдил ва бевосита манфаатдордир.

Барча мамлакатларда меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилотлари бўлган касаба союзларининг бурчи шуки, улар тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда ўз ғайратларини кучайтиришлари керак. Совет касаба союзлари барча мамлакатларнинг касаба союзларини ва меҳнаткашларини, биринчи навбатда АҚШ ва Англия касаба союзларини ва меҳнаткашларини ядро қуролининг ҳамма турларини синашларни дарҳол тўхтатишга эришмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфлашга чақиради. Жаҳон атом уруши хавфидан қутқарилиши лозим!

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ, 6 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группасини фош қилувчи қарорларини Лакнаудаги «Навжувон» газетаси шарҳлаб, бош министр Неру бу қарорларни табриклаганлигини эслатади ва бундай деб ёзади: «Бу ўзгаришлар натижасида Совет Иттифоқи билан Ғарб мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар яхшиланади деган умид бор. Мазкур шахсларнинг раҳбарликдан четлаштирилганлиги совет системасини заррача бузмайди. Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсатида кейинги вақтларда бўлаётган ўзгаришлар коммунистик бўлмаган мамлакатлар билан яқинлашиш ва турли системаларнинг тотув яшаши мумкинлигига ишониш руҳи билан суғорилган ўзгаришлардир. Бу эса бутун дунёда тинчлик иши учун қувончли белгидир».

Бангалорда чиқадиган «Деккан геральд» газетаси бундай деб ёзади: «КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари Совет Иттифоқининг энди шахсга сиғиниш асло бўлмайди, деган қарорини яна бир марта таъкидлайди. Бу — раҳбарликнинг ленинча принципларини тикланиши демакдир.

ИНДОНЕЗИЯ

ЖАКАРТА, 6 июль. (ТАСС). Матбуотнинг хабарида айтилишича, Индонезиянинг партия ва ҳукумат доираларида КПСС Марказий Комитетининг Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарорлари катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда.

Антара агентлигининг хабарида билдирилишича, бу доиралар, КПСС Марказий Комитетининг қарори СССРдаги ички ҳаётгагина эмас, шу билан бирга бутун халқаро сиёсатга ҳам катта таъсир ўтказади, деб айтмоқдалар.

«Сулу Индонезия» газетаси ўзининг бошмақоласида, КПСС Марказий Комитети пленумининг қарори КПСС XX съездининг қарорларини изчиллик билан амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи қарордир, деб ёзади.

СУРИЯ

ДАМАШҚ, 6 июль. (ТАСС). Сурия газеталар КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарорига катта эътибор бермоқдалар.

«Аннур» газетаси ўзининг «Совет Иттифоқи тинчликни сақлаш ва халқлар мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсатини давом этдиришга қаттиқ бел боғлаган» сарлавҳали бошмақоласида қарорнинг муфассал мазмунини баён қилади. Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг тўғрилигига ишонаётган араб халқлари, деб ёзади газета, КПСС Марказий Комитетининг қарорларини қўллаб-қувватламоқдалар. Бу қарорлар Совет Иттифоқи бундан буён ҳам тинч-тотув яшаш ва бутун дунёда тинчликни сақлаш сиёсатини, яъни араб халқи ўзининг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашида таянаётган сиёсатни зўр ғайрат билан ўтказажагини кўрсатиб қолмасдан, шу билан бирга партияга қарши группа фош қилинганидан кейин СССР янада бақувват бўлиб қолганлигини ҳам кўрсатади.

«Аррай алам» газетаси ўзининг бошмақоласида КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари катта халқаро аҳамиятга эга эканлигини ўқтирмоқда. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, деб ёзади газета, араб халқларининг миллий истак-орзуларига ҳам мос бўлиб тушаётган сиёсатдир. Озодликка чиққан араб мамлакатлари империалистларнинг кирдикорларига қарши курашда Совет Иттифоқига таянишлари мумкин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЛАН-БАТОРГА КЕЛДИ

УЛАН-БАТОР, 7 июль. (ТАСС) Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк халқ хуралининг таклифига биноан, ССР Иттифоқи Олий Советининг СССР Олий Совети депутатлари А. У. Хахалов (делегация бошлиғи), С. М. Будённий, Н. В. Дюдяев ва Т. Қулатовлардан иборат делегацияси бугун Улан-Баторга келди.

Аэродромда Буюк халқ хурали раиси Дугурсурэн ва СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи А. У. Хахалов табрик нутқлари сўзладилар.

ГЕРМАНИЯ ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ VII СЪЕЗДИ

ВЕЙМАР, 6 июль. (ТАСС). Бугун Веймарда Германия либерал-демократик партиясининг (Германия Демократияк Республикаси) VII съезди очилди. Германия Демократик Республикаси бош министри О. Гротевольнинг съездга юборган табрикномаси делегатларнинг қарсаклари остида ўқиб эшиттирилди. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси президиуми раисининг биринчи ўринбосари Г. Матерн Германия Бирлашган социалистик партиясининг Марказий комитети ва Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг президиуми номидан съезд делегатларини табриклади.

Раислик қилувчи — Германия либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари И. Дикман Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пикка съезд номидан ёзилган табрикнома проектини бутун залдагиларнинг гулдурос овацияси остида ўқиб берди.

Съездда Г. Лох ҳисобот доклади қилди. У, Германия Демократик Республикасида маҳаллий халқ вакилликларига ўтказилган сайловларнинг муваффақиятли натижаларини докладнинг бошида айтиб, мана шунинг ўзи Германия либерал-демократик партияси ҳам сайлов олди ишларини муваффақиятли ўтказганлигини кўрсатувчи далилдир, деб таъкидлади.

Г. Лох Германия Демократик Республикасининг ривожланиб бораётганлигини ва унинг тинчликсевар сиёсатини кўрсатиб ўтгач, Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштираётган ва мамлакатни тинч йўл билан қайта бирлаштиришга тўсқинлик қилаётган Бонн ҳукуматининг халққа қарши сиёсатига тўхталиб ўтди. Федерал Республикада монополиячиларнинг, юнкерларнинг ва милитаристларнинг ҳокимияти тугатилиб, музокаралар олиб боришга тайёр бўлган ҳукумат тузилганидагина, деди докладчи, тинчликсевар ва демократик герман давлати барпо қилиниши мумкин.

Германияни қайта бирлаштиришга олиб борадиган йўл, деб давом қилди докладчи, ҳар иккала герман давлатини бир-бирига яқинлаштириш орқали ўтади. Модомики, Федератив Республика империалистик давлат бўлиб тура берар экан, бунга эришиш мумкин эмас. Бутун партиямизнинг ва барча демократик кучларнинг фикри мана шу. Шу муносабат билан Г. Лох Германия либерал-демократик партияси билан Ғарбий Германия эркин демократик партияси ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Покистон уламолари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Покистон уламоларининг «Жамиятул уламо исломи Покистон» раиси М. А. Х. Бадаюний бошчилигидаги делегацияси саккизинчи июлда Тошкентдан Сталинободга жўнаб кетди.

Делегация аъзолари Тошкент ва Самарқандда бўлдилар. Улар бир қанча мачитларни ва сағаналарни бориб кўрдилар, республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан танишдилар. Делегация жўнаб кетиши олдидан уни Ўзбекистон ССР Министлар Совети раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов қабул қилди. (ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Бугун меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг мажлислар залида (Сталин кўчаси, 29 уйда) Тошкент шаҳар Совети депутатлари учун «Тошкент шаҳрини реконструкция қилиш генерал плани тўғрисида» деган темада лекция ўқилади. Лекцияни шаҳар бош архитектори М. С. Булатов ўқийди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Кишилар соғлиги тўғрисида ғамхўрлик



Суратда: пилот Николай Дмитриевич Филончиков доктор билан бирга санитария топшириғи бўйича навбатдаги сафарга отланмоқда.

Н. Кузнецов фотоси.

«Қанотли тез ёрдам» — кишилар соғлигини сақлаш учун тайёр турган санитария авиацияси шундай деб аталади.

Қадим вақтда, бундан 40 йил илгари Ўзбекистоннинг узоқ бурчакларида тоби қочган биронта бемор ҳеч қандай ёрдамсиз ҳалокатга учрар эди. Эндиликда бундай эмас. Ҳозир беморларга самолётлар ва медицина ходимларининг отрядлари ёрдамга келадилар.

Ҳар куни Тошкент аэродромидан камида 5 та санитария машинаси осмонга парвоз қилади. Тошкентга, республика санитария-авиация станциясига Бухороннинг узоқ яйловидан шошилинч радиограмма келди. Унда чўпон Биктеевнинг ҳомиладор рафиқаси оғир аҳволда ётганлиги хабар қилинган эди. Радиограммада фақатгина отар турган жойнинг координати кўрсатилган эди, холос. Бемор самолётда шаҳар туғруқхонасига келтирилиб, тезда операция қилинди.

Худди шу куни Тошкент областининг Оҳангарон районидан жигар касали билан оғриган тракторчи Кирасидининг ҳаёти қил устида турганлиги ҳақида сигнал беришди. Бир неча минутдан сўнг медицина фанлари кандидати Юсупжонов ўтирган санитария самолёти осмонга кўтарилди. Юсупжонов ўша ердаги касалхонада беморни операция қилди. Қирасиди ҳозир ўзини гўё касал кўрмагандек соғлом сезади.

Қорақум саҳросининг энг узоқдаги яйловларининг биридан ёзги бўлинмага чўпон Мамет Қутлиевнинг тўсатдан оғир касал бўлиб қолганлиги ва уни даволаш учун тезликда санитария самолётида врач юборилиши илтимос қилинган радиограмма келди. Учиш картасида у жой кўрсатилмаган эди. Бироқ тажрибали пилот А. Колотневнинг ўз ишига омиллиги туфайли у жой тезда топилди ва беморга медицина ёрдами кўрсатилди.

Бир куни санитария авиациясида шу вақтгача юз бермаган воқиа содир бўлди. Чатқол тоғида (Оҳангарон райони) 2 минг метрдан ортиқ баландликда гидрометеорология хизмати ходимларидан бири оғир касал бўлиб қолди. У жойга самолётда бориш мумкин эмасди. Шунда пилот Сучков тоғлиқ жойларда учиш тажрибасига эга бўлмаган бўлса-да, ўша ерга вертолётда боришга қарор қилди. Натижада Чатқолга хирург келтирилди ва ўз вақтида қилинган операция туфайли касалнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Республикамизнинг энг узоқ бурчакларига ўнлаб врачлар, доцентлар, профессорлар санитария авиациясида учиб борадилар. Санитария авиацияси станцияси иш кўра бошлаганига 23 йил бўлди. Шу вақт мобайнида минглаб кишилар тез медицина ёрдами олдилар, минглаб совет кишиларининг ҳаёти ўлимдан сақлаб қолинди. Станция ишида доимий кадрлардан ташқари 300 га яқин тажрибали мутахассис мединклар актив қатнашиб келадилар. Профессор Гордон, доцент Расулев, профессор Фрейдович, доктор Кугушев, врач Аҳмедов, доцент Тагиров ва шу каби жуда кўп мутахассислар ўн йиллардан буён станцияга ёрдам бериб келадилар. Бу тез ёрдам станциясига Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа республикалардан ҳам ёрдам кўрсатиш сўралган радиограммалар келиб туради. Яқинда медицина фанлари кандидати врач Тарновская санитария самолётида Ашхободга учиб борди ва шал касали билан оғриган уч яшар болага тезликда медицина ёрдами кўрсатди.

1957 йилнинг биринчи ярмида санитария авиацияси самолётлари Ўзбекистоннинг узоқ районларига икки минг марта учдилар ва 13.350 беморга зарур медицина ёрдами кўрсатдилар.

В. СВЕТЛОВ.

ХОДИСА

Контролёр ниқоби остида

Яхши ва бежирим кийинган, сочлари сўнгги модада прическа қилинган, олифта ёш жувон кишиларнинг уйига кириб, контролёр ниқоби остида почтальонлар ишини текшириб юрарди. У Пролетар кўчасила яшовчи Куприянованинг уйига киргач:

— Манави контроль журналига сизга хизмат қиладиган почтальоннинг иши тўғрисида баҳо кизгизни ёзинг,— деди жилмайиб.

Ўзини контролёр деб танитувчи бу аёл аслида ўғирлик билан шуғулланган. У хонадонларга кирганда уй эгасининг кўзини шамгалат қилиб, қимматбаҳо нарсаларини олиб кетаверган. Масалан, У Куприянованинг стол устида турган 70 сўм пулини, Киров кўчасида турувчи Поплинскаянинг шкафлаги 270 сўм пулини, Пушкин кўчасида турувчи Папаянинг олтин узугини ўғирлаб олиб чиқиб кетган. Куйбишев кўчасидаги 3-уйнинг эгаси билан гаплашиб турганида эса унинг чўнтагидан 1800 сўм пулини олиб қўяди.

Бу сохта контролёрни 2-3 ойгача қўлга тушириш мумкин бўлмади. У тилла соат, узук, тўғноғич, кумуш қошиқ, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни уй эгалари ҳурматидан фойдаланиб, бемалол ўғирлаб кетаверган. Милиция ходимларининг тинмай тақиб қилишлари натижасида яқинда у ушланди.

Тергов вақтида маълум бўлишича, 1931 йилда туғилган Р. Рамазанова исмли бу аёл юқоридаги усул билан 20 дан ортиқ жиноий иш қилган. Сохта контролёр — ўғри жиноий жавобгарликка тортилди.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Тошкент спортчиларининг ғалабаси

Яқинда республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрида спортчиларнинг зонал мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда Тошкент, Олмаота, Фрунзе ва Сталинобод шаҳарларидан келган 89 спортчи йигит-қиз қатнашди.

Тошкентлик В. Ястребов ядро ва молот иргитиш бўйича, В. Майоров диска иргитиш бўйича биринчи ўринни эгалладилар. Хотин-қизлардан М. Фотьянова (Тошкент) ва Л. Шахворостова (Олмаота) югуриш, сакраш ҳамда ядро, диска иргитиш бўйича юқори натижаларга эришиб, биринчи ва иккинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақаларнинг умумий натижасида Тошкент спортчилари ғолиб чиқдилар. Олмаота спортчилари иккинчи, Фрунзе спортчилари учинчи ва Сталинобод спортчилари тўртинчи ўринни эгалладилар.

Д. НАЗАРОВА.

Чирчиқлик енгил атлетикачилар мусобақаси

Яқинда Чирчиқ шаҳридаги «Химик» стадионида катта спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган бу мусобақада 117 енгил атлетикачи спортчи шахсий ва команда биринчилиги учун курашди.

Мусобақа хотин-қиз спортчиларнинг 100 метр масофага югуришлари билан бошланди. Бунда химия-механика техникумининг вакили Р. Рибакина муваффақият қозонди. Раиса бу масофани 13,5 секундда чопиб ўтиб, шаҳар бўйича янги рекорд қўйди. Эркаклар орасида эса шу масофага югуришда Ситников (11,6 секунд), Пучков (11,7 секунд), Смола (12,1 секунд) ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар.

Мусобақалар натижасида 10.880 очкога эга бўлган чирчиқлик спортчилар биринчи, 9175 очко олган химия-механика техникуми студентлари иккинчи, 8879 очко тўплаган электрохимия комбинати спортчилари учинчи ўринни эгалладилар.

В. КРЕНДЕЛЕВ.

Янги чемпионлар

Тошкентдаги М. Горький номли паркда эркин ва классик кураш бўйича пойтахт биринчилиги учун ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақа тамом бўлди. Мусобақаларда турли спорт жамиятлари вакиллари бўлган 60 га яқин кучли курашчилар шахсий ва команда биринчилиги учун курашдилар. Уч кун давом этган қизғин олишувдан сўнг қуйидаги ўртоқларга классик кураш бўйича 1957 йил Тошкент чемпиони номи берилди: С. Ғаниев, Ш. Раимжонов («Буревестник»), М. Длянчев, Ю. Трубицин («Локомотив»), Б. Қосимхўжаев, Г. Оганесян («Динамо»), К. Мидалев («Торпедо»).

Командалар ўртасида эса динамочилар ғолиб чиқдилар. Командани мусобақага яхши тайёрлагани учун СССРда хизмат кўрсатган тренер Г. И. Санглерга биринчи даражали диплом берилди.

Я. Сонин, Г. Русяев, И. Молодожён ва Б. Емельянов («Буревестник»), А. Алиев, Б. Тўрахўжаев, Э. Пидаев ва Макаров ўртоқлар эркин кураш бўйича пойтахт чемпиони номини олдилар. Командалар ўртасида эса спартакчилар ғалабага эришдилар.

Мусобақа чемпионлари қимматбаҳо мукофотлар ва биринчи даражали дипломлар билан тақдирланди.

А. ЛИБУС.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 9/VII да **Юрак сирлари**, 10/VII да **Ҳамза**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VII кундуз соат 12 да **Тоҳир ва Зуҳра**, соат 4 да **Катта концерт**, кеч соат 8 яримда **Азиз ва Санам**. — 10/VII кундуз соат 4 да **Концерт**, кеч 8 яримда **Равшан ва Зулҳумор**.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» кундуз ва кечқурун кенг экранли **Илья Муромец**.

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун: 1) **Икки ҳаёт**, 2) **Озор**, кеч соат 10 да **Педагогик поэма**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Илья Муромец**, кечқурун 1) **Икки ҳаёт**, 2) **Озор**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Мальва**.

«ВАТАН», «ХИВА», «1 МАЙ» — 1) **Икки ҳаёт**, 2) **Озор**.

«САЛЮТ», «УДАРНИК» — **Мальва**.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг 6-Жаҳон фестивали шарафига
10 июлда
ПРЕМЬЕРА
А. Адан музикаси
ЖИЗЕЛЬ
2 пардали балет.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Баҳром Иноятов**, балетмейстер — **Л. А. Засс**, рассом — **Л. К. Огибалов**.
Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кенг экранли
«РОДИНА» КИНОТЕАТРИДА
10 июлдан бошлаб
ДОН КИХОТ
номли кенг экранли стереофоник овозли янги бадиий фильм кўрсатилади.
Сеанслар эрталаб соат 8 яримдан кеч 11-10 минутгача бўлади.
Тамоша зали кундуз ва кечқурун вентиляция установкаси билан шамоллатиб турилади.
Коллектив бўлиб кўриш учун эрталаб соат 9 дан кундуз 12 гача ҳамма сеансларга заявкалар қабул қилинади.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
токарлар, 5-6 разрядли слесарлар, прессчилар, қолипчилар, заливщиклар, обрубщиклар, важдачниклар электросварщиклар, газосварщиклар, юкчилар ва ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (2 трамвайнинг «Гидростанция» остановкаси)

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03573. «Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1842.